

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“Тарих” кафедраси

Ижтимоий-иқтисодий факультети

5220200 – Тарих бакалавриат йўналиши битирувчиси (5-41 гуруҳ)

Имамкулов Фарходнинг

**“Усманийлар давлатининг XIV-XV асрларда ижтимоий-
иқтисодий, сиёсий аҳволи”**

мавзусида ёзилган

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Раҳбар: тарих фанлари номзоди,
доцент О.Р.Назаров**

Гулистон – 2013

Р Е Ж А

Кириш.....	3
1-боб. Усманийлар империясининг ташкил топиши ва истилолари	8
1.1. Усманийлар империясида “бейликлар замони”	8
1.2. Усманийлар давлатининг ташкил топиши ва Кичик Осиёда ҳамда Болқон ярим оролида турк истилолари.....	14
1.3. Султон Боязид 1 Йилдиримнинг ҳокимият тепасига келиши ва босқинчилик юришлари.....	20
1-боб юзасидан хулоса.....	31
2-боб. XV асрда Усманийлар империясидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳвол.....	35
2.1. Усманий туркларнинг истилоларининг давом эттирилиши.....	35
2.2. Усманийлар империясининг пойтахти – Истамбул шаҳри.....	47
2-бобга хулоса.....	56
Хулоса ва тавсиялар.....	59
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	66
Иловалар	
Ўрта асрлар тарихидан очик дарс.	69
Усманий турк султонлари.....	76
Тақдимот (дискда)	

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Усманийлар империяси (усм. دولت عاليه عثمانيه — Devlet-i Âliyye-i Osmâniyye) — 1299 йилда шимолий-ғарбий Онатўли (Анатолия)да Усмон I бошчилигидаги усмоний қабилалари томонидан тузилган давлат. 1453 йилда Константинополь кулаганидан кейин, Усманийлар давлати империя деб номлана бошлади. Константинополнинг кулаши турк давлатчилиги ривожига энг муҳим воқеа бўлди, чунки 1453 йилги ғалабадан сўнг Усманийлар империяси Европада мустаҳкамланди. 1590 йилда Усманийлар империяси ўзининг гуллаб-яшнаган чўққисига эришди. Унинг ҳудудлари Европа, Осиё ва Африканинг бир қисмини эгалларди. Усманийлар сулоласининг ҳукмронлиги 623 йил, 1299 27 июлидан то 1922 йил 1 ноябригача, монархия тугатилгунга қадар давом этди.

Усманийлар империясининг усмоний турклар тилидаги номланиши — Devlet-i Aliyye-yi Osmâniyye (دَوْلَتِ عَلِيّهٔ عُثمَانِیّه), ёки — Osmanlı Devleti (عثمانلى دولتى). Замонавий турк тилида уни Osmanlı Devleti ёки Osmanlı İmparatorluğu деб аташади. Ғарбда “Усманийлар” ва “Туркия” сўзлари империя даврида бир-бирини алмаштирган ҳолда қўлланилган. 1920—1923 йилларда фақат Туркия деб атала бошлаган, чунки унинг расмий номи шундай бўлган эди.

Шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ўтмиш сабоқларини ўрганишга эҳтиёж тобора кучайиб бораётганининг ўзига хос асослари бор. Бу бевосита инсониятнинг тарихий тажрибасини ўрганиш, ҳаёт мантиғини англаш билан боғлиқ бўлган серқирра ва мураккаб жараёндир. У орқали тарихнинг мазмунига назар ташланиб, мавжуд тасаввурларга ўзгатиришлар киритилади. Қарашлар янгиланади. Жумладан, бугун биз Ўзбекистоннинг мустабид совет тузуми давридаги тарихини янгича англамоқдамиз, янгича нуқтаи назардан мушоҳада қилмоқдамиз. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Туркистон» газетаси муҳбирининг саволларига берган жавобларида мустабид совет тузумининг

даврига муносабат билдирар экан: «Биз шу пайтгача кўпроқ эски тузумни танқид қилиш, уни инкор этиш билан банд бўлдик. Албатта, бошимиздан кечирган мудҳиш ва мустабид тузумнинг бутун асоратларини англаб етиш, йўлимизни тўғрибелгилаб олиш учун истиқлолнинг дастлабки йилларида бу биз учун зарур эди. Аммо фақат ўтмишни езгириш, инкор этиш билан узоққа бориб бўлмайди...Шу боис бугун биз ота-боболаримизга... сунъий ранглар билан ажратиб баҳо бермаслигимиз, балки уларнинг ҳаётини, улар яшаган даврнинг моҳиятини тўғри тушунишга ҳаракат қилишимиз лозим» [1], - деб таъкидлаган эди. Модомики шундай экан, ҳис-хаяжонга берилмасдан, тарихни ҳолисона илмий асосда ёритиш зарур.

Туркия тарихига назар ташланса, ҳар бир давлат тарихида бўлгани каби, юксалиш ва гуллаб-яшнаган даврларида бир қатор мамлакатларни босиб олиб, у ерларда ўз ҳукмронлигини ўрнатганини кўрамиз. XIV-XV асрларда Усманийлар сулоласи ҳокимият тепасига келиб, мусулмон давлатини тузиб, ўрганилаётган давр ичида Усманийлар давлатида Усмон, Ўрхон, Мурод, Боязид, Сулаймон, Муҳаммад каби султонлар ҳукмронлик қилишган. Уларнинг ҳар бири давлат ҳудудларини янада кенгайтириш, бойлик орттириш мақсадида босқинчилик юришлари ва истилоларни уюштирганлар. Ўрта асрларда Туркия султонлиги Кичик Осиё, Африка, Кавказ, Болқон яриморолида истилолар олиб бориб, жуда катта ҳудудни ўз таркибида бирлаштирган эди. Европадаги ривожланган давлатлар Қора денгиз бўйи ва Ўрта ер денгизи бўйи каби стратегик аҳамиятга эга бўлган портларни ўз қўллариги киритиш учун кураш олиб борганлар. Бир томондан қаралса, Англия, Франция, Австрия, Россия ҳам «шарқ масаласида» фақат ўз манфаатларини ўйлаб иш тутгани маълум бўлади. Бошқа томондан эса, турк зулми остида эзилиб келган Болқон яримороли халқларини бу зулмдан озод қилинди. Ана шундай мураккаб вазиятда Усманийлар империясида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёт ҳам мураккаб бўлган. Бир томондан, миллий урф-одатларнинг мустаҳкам эканлигини Туркияда мусулмонча

анъаналарнинг чуқур илдиз отганлиги кўзга ташланса, бошқа томондан, бу ерга европача урф-одатлар ҳам киритила бошланди. Умуман олганда, Усманийлар империясининг XIV-XV асрлардаги аҳволини янгича нуқтаи назардан ўрганиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Мазкур БМИ ни ёзишдан мақсад, Туркиянинг XIV-XV асрлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳволини ҳар томонлама таҳлил этиб очиб беришдан иборат бўлиб, бу мақсадга эришиш йўлида қуйидаги вазифаларни ўз олдимишга қўйдик:

- Усманийлар давлатига асос солиниши ва бейликлар ҳақида маълумот бериш;
- Усманийлар империясининг ташкил топиши ҳақида батафсил маълумот келтириш;
- XIII - XV асрларда Болқон ярим оролига қилинган турк истилоларини ёритиш;
- Усманий султонлари даврида Туркиядаги ижтимоий-иқтисодий аҳволга ҳар томонлама баҳо бериш;
- мавзуни ўрганиш бўйича тавсиялар келтириб, гиперматн билан ишлаш усули асосида очик дарс ишланмаси ишлаб чиқиш.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Авваломбор, шуни айтиш керакки, Болқон яриморотида Усманийлар империясининг олиб борган сиёсатига доир турк тарихий адабиётлари билан танишиш имкониятимиз бўлмади. Интернетдаги турк сайтларида бир қатор маълумотлар бўлса-да, турк тилини билмаслигимиз туфайли, улар билан танишмадик. Битирув-малакавий ишини ёзишда асосан XX асрда ва 1991 йилдан сўнг Россияда чоп этилган адабиётлар биз учун асосий манба бўлиб хизмат қилди. Бу адабиётлар ичидан ўзбек тилига таржима қилинганлари В.Ф.Семеновнинг «Ўрта асрлар тарихи» дарслиги ҳамда “Янги тарих” дарслигидир [26, 27, 28, 32]. Тарихий манбаларга келганда шуни айтиш мумкинки, Амир Темурнинг Боязид билан муносабатлари, Анқара ёнидаги жанглари Ибн Арабшоҳ, Ғиёсиддин Али,

Мирхонд, Низомиддин Шомий, Шарофиддин Али Яздий асарларида ўз аксини топган [2, 3, 4, 5, 6].

Усмонийлар империясининг ташкил топиши, ижтимоий-иқтисодий аҳволини ёритувчи бир қатор адабиётлар мавжуд бўлиб, улар орасида В.Гордлевский, А.Новичев, Ю.Петросян, С.Рансимен китоблари маълумотларнинг илмийлиги ва батафсиллиги билан ажралиб туради, чунки бу китоблар асосан монографик тарзда ёзилган. Жумладан, Ю.А.Петросяннинг “Усмонийлар империяси: қудрати ва халокати” асари Туркияда Усмонийлар империясининг ташкил топиши, унинг гуллаб-яшнаган даври ва инқирозига бағишланган бўлиб, Усмонийлар сулоласига мансуб султонлар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилганлиги билан ажралиб туради [23]. Бу китоб 2003 йилда янги таҳрирда чоп этилди. Унинг электрон нусхаси билан Интернетда [39] танишиш мумкин. А.Д.Новичевнинг «Туркия тарихи» китобининг 1 жилдида феодализм даври, яъни XI-XVIII асрларга доир Туркия тарихи ёритилган [21]. Н.А.Смирновнинг «Россия ва Туркия XVI-XVII асрларда» китобида Россия ва Туркия ўртасидаги урушлар, уларнинг бошланиш сабаблари ва оқибатлари, иккала давлат ўртасидаги дипломатик муносабатлар ҳақида фикр юритилган [29]. С.Рансимен эса 1453 йлда Константинополнинг қулашидан олдинги ва кейинги воқеаларини батафсил ёритган [25]. С. Жигаревнинг “Тарихий юридик очерклар” тўпламида 1976 йилда чоп этилган мақоласида «Шарқ масаласи»да Россиянинг сиёсатига баҳо бериб, Россия ва Туркиянинг Болқон яриморолида ҳукмронлик қилиш учун олиб борган музокаралари ва истилоларининг асл моҳияти очиқ берилган [12]. Бундан ташқари, Усмонийлар империясининг Болқон яриморолидаги сиёсати, бунга Европа мамлакатларининг муносабатлари, Россия-Туркия урушларининг бу муносабатларга таъсири ҳамда Болқон халқларининг турклар зулмига қарши миллий-озодлик кураши ҳақида ўрта асрлар тарихи ва янги тарих бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларида маълум ҳажмда саҳифалар ажратилган [8,

9,13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20 ва б.]. Бу борада айниқса “Хорижий Осиё мамлакатларининг ўрта асрлардаги тарихи” [13] дарслиги илмий жиҳатдан мукамал маълумотларни жамлаганлиги, адабиётлар рўйхати мавжудлиги билан ажралиб туради.

Интернетдаги Россия сайтларида Усманийлар империясининг ташкил топиши, турк султонларининг истилоларига бағишланган маълумотлар мавжуд. Бундан ташқари, Туркиянинг янги давр тарихига доир маълумотлар жуда кўп учрайди [34, 35, 36, 38, 39, 40]. Тарихий китобларнинг электрон нусхалари жойлаштирилган сайтлардан бири www.world-history.ru бўлиб, электрон кутубхонада мавжуд бўлган Россияда чоп этилган жаҳон тарихига оид янги авлод адабиётлари билан танишиш мумкин.

Ишдаги илмий янгиликлар ва эришилган натижалар. Мазкур битирув-малакавий ишда Усманийлар империясининг ташкил топиши, ундаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳвол ёритилиб, шу билан бирга Туркиянинг бу даврдаги ташқи сиёсати, унинг ўз ҳудудларини кенгайтириш борасида қилган ҳаракатлари, хусусан Болқон яриморотидаги истилолар натижалари, султонларнинг юргизган сиёсати таҳлил қилиниб, умумлаштирилди ва яхлит бир тизимга келтирилди.

Ишнинг амалий аҳамияти. Ишда келтирилган маълумотлардан «Ўрта асрлар тарихи», «Халқаро муносабатлар» фанларидан маъруза, курс ишлари, рефератлар ёзишда, семинар дарсларига тайёргарлик кўришда, мустақил иш топшириқларини бажаришда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг тузилиши. Битирув-малакавий иш Кириш, 2-та боб, Хулоса, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда илова сифатида тақдимотдан иборат.

1-БОБ. УСМОНИЙЛАР ИМПЕРИЯСИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА ИСТИЛОЛАРИ

1.1. Усманийлар империясида “бейликлар замони”

Туркиянинг ўрта асрлар тарихида иккита даврни жаратиш мумкин салжукийлар даври ва усманийлар даври. Бу даврлар ўтиш даври билан бирлаштирилган бўлиб, мазкур ўтиш даври “бейликлар замони” (амирликлар, князликлар) деб ном олган ва адабиётларда қайд этилишича, XIII аср охири - XV аср бошларини қамраб олади [39].

“Бейликлар замони” ўзида муҳим сиёсий ва этник ўзгаришларни мужассам этади. Бу ўзгаришлар мўғуллар босқини ва у билан боғлиқ бўлган Онатўлига турклар миграциясининг иккинчи тўлқини натижасида содир бўлган. Мўғуллар томонидан Кичик Осиёдаги Салжукийларга 1243 йилда етказган мағлубияти оқибат натижада улар ташкил этган давлатнинг иккита қисмга парчаланиб кетишига олиб келди. Онатўлининг Қизил-Ирмоқ дарёсидан шарқроқдаги ҳудудлари Хулагулар (Элхонлар) мулкларига киритилди. Бу ерда мўғул босқинчилари олиб келган тартиб-қоидалар ўрнатилди. Элхонлар давлати парчаланиб кетганидан сўнг бу ҳудудлар яна бир асрдан ортиқ вақт ичида Эронда ҳокимият учун курашиб келган турли туркман қабила бошлиқларининг назорат остида қолиб кетган.

Кичик Осиёдаги Салжукийлар мўғул хонларига вассаллигини тан олиб, Ғарбий ва Марказий Онатўлининг катта қисмида ўз ҳукмронлиklarини сақлаб қолишди. Бироқ, амалда уларнинг мулклари тез орада бир қатор кат та бўлмаган амирликлар (бейликлар)га парчаланиб кетди. Бу бейликлар амалда ҳам мўғулларга, ҳам Конья ҳукмдорларига бўйсунмай, мустақил бўлишган.

Мазкур янги сиёсий бирлашмаларнинг шаклланиши жараёни, авваламбор, чегара вилоятларида (удж) содир бўлди, чунки у ерда Кичик

Осиёга яқинда кўчиб келган кўчманчи ва яримкўчманчи қабилаларнинг асосий қисми ўрнашиб олган эди.

Чегарада истиқомат қилган қабилаларда ўзига хос ҳарбий-кўчманчилик турмуш тарзи шаклланди. Кўчманчиларнинг бир қисми ҳарбий хизматни ўтаган, бошқа қисми чорвани боқарди, хўжалик ишлари билан шуғулланарди. Удждаги барча аҳоли қуролланган эди. Қўшнилари билан доимий низолар, янги ерларни талон-тарож қилиш ва босиб олиш мақсадида қилинган босқинлар кўчманчилар кундалик ҳаётининг таркибий қисмини ташкил этар эди.

Чегара ҳудудида истиқомат қилаётган аҳоли орасида диний ваъзхонлар, рухонийлар, шайхлар (баба), дарвишлар катта таъсир кучига эга бўлганлар. Айниқса дарвишлар “кофирларга” қарши урушнинг (ғазовотнинг) фаол тарғиботчилари ҳисобланарди [40].

XIII асрнинг иккинчи ярми – XIV асрнинг бошларида Ғарбий ва Марказий Онатўли ҳудудида 20тага яқин князликлар пайдо бўлди. Улардан айримлари кам вақт яшаб, тез орада парчаланиб кетишди. Бошқа бирлари Туркия тарихида ўз изларини қолдиришди. Иккинчилар қаторига Караман бейлигини киритиш мумкин. Ушбу бейлик XIII аср 60-чи йилларида Киликия Аорманистони подшоҳлигидан ғарброкда, Таврнинг тоғлик ҳудудларида ташкил топди. Унинг ҳукмдорлари нафақат арман ерларига босқинлар уюштиришда катта фаоллик кўрсатишган, балки мўғулларга ва уларга қарам вассал ҳисобланган Салжукийларга қарши курашганлар.

XIV аср бошларида ўз давлатлари ҳудудларини кенгайтириб, ҳамда Коньяни эгаллаб олиб, Караманийлар ўзларини Салжукийлар султонларига ворис бўлиш истакларини очиқчасига билдиришди.

Караман бейлигининг асосий рақиби даставвал пойтахти Кутахье шаҳрида бўлган Гермиён князлиги бўлган. Гермиён ҳарбий саркардаларининг Византия ерларига муваффақиятли тугаган юришлари Гермиён ҳукмдорлари таъсир доирасининг оширилишига олиб келди. Бу эса

бейлик чегараларини то Анкарагача кенгайтириш учун қулай шароитларни яратиб берди.

XIV асрнинг 20-30-чи йилларида Гермиён шуҳратини Эгей денгизи қирғоқбўйларида ташкил топаётган янгидан янги бейликлар ортида қолдира бошлади ва ўзлари шуҳрат қозонди. Гермиён амирлари мулкларини “кофирлар” истиқомат қилаётган ҳудудлардан четлатиб, улар “муқаддас уруш” олиб боришдан иборат бўлган чегаравий уджларнинг муҳим функциясини ўз зиммаларига олишди. Айнан ана шу князликлар томонидан (Ментеше, Айдин, Сарухан, Кареси бейликларга) ўша даврдан бошлаб кофирлардан талон-тарож қилиб тортиб олинган бойликларнинг катта қисми олинарди. Бу бейликларга Онатўли ички ҳудудларидан кўчиб кетаётганларнинг асосий оқими келиб ўрнаша бошлади, чунки улар “дин учун курашаётганлар” – ғозийларнинг сафларига кириш истагини билдирган эдилар. Тез орада Кичик Осиёнинг деярли бутун ғарбий қисми турк бейларининг қўлларида жамланди.

Денгиз бўйларидаги бейликлар турмушининг муҳим хусусияти бўлиб қароқчилик ва қул савдоси бўлдики, улар Ўрта Ер денгизидаги савдо-сотиқ ишларига, Болқон ярим ороли ва Эгей денгизидаги ороллар аҳолисига катта зарар етказа бошладилар. Турк қароқчиларидан Европа мамлакатларига етказиладиган зиён уларни бунга жавобан чора кўришга мажбур қилди.

1343-1344 йилларда Смирна (Измир)ни босиб олиш мақсадида Салиб юриши уюштирилди, Смирна – Кичик Осиёдаги Эгей денгиз бўйларидаги энг йирик порт шаҳри бўлган. Салибчилар денгиз бўйларидаги бейликларни қамал қилишди. Европадаги иттифоқчиларнинг кескин ҳаракатлари натижасида Эгей денгиз бўйларидаги амирликларнинг ҳарбий ва иқтисодий потенциали анча заифлаштирилди, ҳукмдорларнинг ташқи сиёсий фаоллиги эса пасайиб қолди [23, 49-б.]

Кичик Осиёнинг шимолий-ғарбий қисмидаги Вифинияда жойлашган яна бир чегаравий бейликнинг тақдири бошқача бўлди. Бу бейлик ушбу

князликнинг биринчи мустақил ҳукмдори – Усмон-бей (Осман-бей) (1288-1324) исми билан номланиб, машҳур бўлиб кетган.

Усмоний бейлиги Эскишехир ҳудудида жойлашган катта бўлмаган удж асосда ташкил топди. Бу уджнинг эгаси Усмоннинг отаси Эртўғрул бўлган. У бу ерга XIII асрнинг биринчи ярмида келиб ўрнашиб олган. 1300 йилга келиб Усмон Салжукийлар зулми остидан озод бўлди ва ўз мулкларини кенгайтиришга қаратилган мустақил сиёсат юргиза бошлади.

Усмоннинг бейлиги бошқа князликлардан ҳудуд жиҳатидан кичикроқ ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жиҳатидан заифроқ бўлган. Бироқ, бейликнинг географик жойлашуви, ҳамда XIV аср бошларига келиб Кичик Осиёда вужудга келган сиёсий вазият Усмон бейлигининг шиддатли кенгайишига имкони ят яратиб беришди. Бўлғуси Усмонийлар империясининг дастлабки ядроси бўлган ҳудуд мўғуллар ҳукмронлик қилаётган вилоятлардан узоқроқда жойлашган эди, шунинг учун бейлик ҳукмдорлари ўзларини мўғул хонларининг вассаллари деб тан олишса-да, амалда ўз сиёсатларини мустақил юргизганлар. Қўшни бейликлар эса Усмон бейлигининг дастлабкит муваффақиятларига катта эътибор беришмади.

Усмон бейлигининг юксалишига кўмаклашган муҳим омил бўлиб унинг Византияга қўшни эканлиги хизмат қилди. Бейлик қабила бошлиқларининг Кичик Осиёдаги заифлашиб бораётган Византия империясининг сўнгги мулкларига қарши олиб борган ҳарбий ҳаракатлари бейлик чегараларини кенгайтиришга имкон берди ва шу билан бирга Онатўлидаги бошқа туркий князликларидан “кофирларга” қарши “муқаддас урушда” иштирок этиш учун янгидан-янги кучларнинг оқиб келишини таъминлаб берди.

Усмоннинг ҳаётлик чоғидаёқ амалга оширилган бир қатор юришлар натижасида яхши мустаҳкамланган Бруса (Бурса) қалъаси атрофидаги ҳудудлар эгалланди. Бурсани Усмоннинг ўғли Ўрхон (1324-1362) қўлга киритишга муваффақ бўлди. У князликнинг пойтахти бўлди. Кейинчалик

бошқа йирик византиялик шаҳарлар - Никея (Изник) ва Никомедия (Измит) ҳам куладилар. XIV асрнинг 50-чи йиллари бошларига келиб усмоний турклар Қора денгиздаги бўғозлар олдига келиб қолишди. Бироқ, уларни кечиб ўтиб, Византия пойтахтини эгаллай олмадилар. Ушбу шароитларда янги босқинчилик режаларининг асосий объекти Босфор ва Дарданелл ортидаги ҳудудлар бўлиб қолди [23, 56-57 б.].

Усмон бейлигининг ички бошқаруви дастлабки пайтларда жуда содда бўлган. Усмон ва Ўрхон қабила зодагонлари кенгашида бей деб тасдиқланганлар. Бей авваламбор ҳарбий саркарда бўлган, унинг асосий функцияси қўшнилارга қарши талон-тарожлик юришларини ташкил қилиш ва амалга ошириш учун ҳарбий ишни ташкиллаштиришдан иборат эди. Энг яқин издош ва мулозимлари сифатида унинг қариндош уруғлари – ўғиллари, ака-укалари ҳисобланиб, уларни босиб олинган шаҳарлар ва қалъаларга ҳукмдор этиб тайинлаган.

Усмоний бейлигининг кенгайиб бориши билан уни бошқариш тизими ҳам мураккаблашиб борди. Ўрхон даврида биринчи вазирлар пайдо бўлади. Олдинги мулклар ўрнига босиб олинрган ерларнинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши киритила бошланди, танга пули – акче зарб этила бошланди [21]. Ҳарбий ташкилот ҳам ўзгариб борди. Пиёдаларнинг (пияде) ва сипоҳий-отлиқларнинг (мюселем) алоҳида отрядлари тузилди. Юришлар пайтида бу отрядларга кирган жангчилар 1 акче миқдорида кунлик ҳақини ҳар кун олишарди. Тинч вақтда эса уларга марказий ҳокимият томонидан шахсий фойдаланиш учун ажратилган ва солиқ тўлашдан озод қилинган ерларга ишлов беришарди. Шу тариқа қабилавий лашкардан феодал армиясига ўтишга томон биринчи қадам қўйилди.

XIV асрнинг биринчи ярмида тузилган қўшин асосан пиёдалар ва отлиқ лашкар-жамоачилар (азаплар ва акинжилар) дан иборат бўлган бўлсада, Усмоний бейлигидаги ҳарбий ўзгаришлар бу бейлик ҳукмдорларининг режалари узоқни кўзлаётганидан далолат берарди. Янги

кўшин Кичик Осиёни улар ҳукмронлиги остида бирлашувини таъминлаши керак эди.

Мазкур режаларнинг амалга оширилиши, XIV асрнинг иккинчи ярмида мавжуд бўлган вазият Онатўлида ягона турк давлатининг шаклланишига қулай муҳит яратиб берганига қарамасдан, бир қатор ўнйилликларга чўзилиб кетди.

Бир-биридан фарқланишларига қарамай, Кичик Осиёдаги амирликлар, жумладан Усманий бейлиги ҳам, бир кўринишдаги давлат бирлашмалари бўлган. Бу ҳақда уларда деярли бир вақтнинг ўзида шартли ер тухфалари – тимарларни тақсимлаб бериш амалиётининг пайдо бўлиши далолат беради. Тимарларнинг келиб чиқиши масаласи баҳсли бўлса-да, уларда Яқин ва Ўрта Шарқ мусулмон мамлакатларида мавжуд бўлган аграр тартиботлар (хусусан иқто институти), ҳамда феодал ер эгалигининг византиялик шакллари (прениялар) акс эттирилганини тан олмасдан илож йўқ.

Бейликларда шунингдек давлат тузилиши ва бошқарувининг ўхшаш шакллари вужудга келганки, бунга ислом дунёсининг турли мамлакатларидан мусулмон руҳонийларининг келиб ўрнашиб қолиши сабаб бўлди. Олим-илоҳиётчиларнинг (уламоларнинг) маъмурий бошқарув ишларига жалб қилиниши марказий ҳокимиятни кучайтиришга хизмат қилди. Уламоларнинг хатти-ҳаракатлари туфайли исломнинг сунна мазҳаби ҳукмрон таъсирга эга бўлди.

Барча бейликларда исломлаштириш ҳамда маҳаллий аҳолининг маҳаллий грек ва арман аҳолиси билан ассимиляциялашуви жараёни фаоллашди. Бир вақтнинг ўзида туркларнинг этник ўзини ўзи англашининг ўсиб бориши кузатилди. Бу жараёнлар эски турк (онатўли турк) тилида ёзилган кўпсонли адабий ва илмий асарларда ўз аксини топди. Эски турк тили илгари ишлатилган форс тили ўрнига иш юритишда қўлланила бошлади. Тарихчилар ушбу ўзгаришлар билан турк маданиятининг вужудга келишини, унинг турклар этногенези жараёнида муҳим ўрин эгаллагани

билан боғлайдилар [40]

Хуллас, XIV асрга келиб, Кичик Осиёдаги сиёсий вазият шундай қарор топдики, айнан усмоний ҳукмдорлари Кичик Осиёдаги бейлар орасида ўз етакчилик ролини ўрнатишга муваффақ бўлишди.

1.2. Усмонийлар давлатининг ташкил топиши ва Кичик Осиёда ҳамда Болқон ярим оролида турк истилолари

Салиб юришлари даврида Кичик Осиёда Рум султонлиги номи остида яшаган салжук турклари давлати XIII аср бошларига келиб 10 та амирликка бўлиниб кетди. Ўғуз турклари галаларининг Ўрта Осиёдан Кичик Осиёга кўчиб келиши ва уларнинг бундан кейин салжук турклари (XIII аср ўрталаридаёқ) билан аралашиб кетиши натижасида Кичик Осиёда XIII аср охири XIV аср бошларида янги давлат ташкил бўлди. Сони жиҳатидан ҳам, ўзининг ҳарбий ташкилоти жиҳатидан ҳам анча-мунча уюшқоқ бўлган кўчманчи- ўғуз турклари янги ҳукуматда етакчи роль ўйнадилар. Дастлабки вақтларда Эртўғрул ўғуз туркларининг раҳбари бўлиб, у Византия империяси билан қўшни Сакаръе дарёси бўйида кичик бир феодал мулкига эгалик қиларди. Эртўғрулнинг ўғли ва тахт вориси Усмон (1282-1326) Византияга қарши уруш бошлаб, унинг Кичик Осиёдаги мулкларининг кўпчилигини, шу жумладан, Бурсу (ёки Бурсу) шаҳарини ҳам босиб олди. Бурсу шаҳарини Усмон ўзининг пойтахти қилиб олди. Вафотидан бир оз бурунроқ Усмон Кичик Осиёдаги бошқа амирликларни ўзига итоат қилдирди. Янги турк халқи таркиб топган Кичик Осиёдаги барча турклар умуман унинг номи билан аталадиган бўлди (Усмон турклари, аслида турли қабилалар федерациясидангина иборат бўлган салжук туркларидан фарқ қиларди) [27, 352-б.]

Византиянинг заифлашиб қолганлигидан ва Болқон ярим оролидаги бошқа давлатларнинг парчаланиб кетганлигидан фойдаланган усмон

турклари XIV асрда дастлаб Кичик Осиёда, кейин эса Болқон ярим оролида ҳам кенг истилочилик ҳаракатларини бошладилар.

XIV асрдаги деярли бетўхтов олиб борилган урушлари шароитида туркларда профессионал кўшин (яъни аскарликни ўзига касб қилиб олган одамлар кўшини) таркиб топа бошлади. Усмоннинг тахт вориси Урхон даврида (1326-1359 йй.) турк кўшини орасида халқ лашкари типидagi мунтазам кўшинлардан ташқари яничарлардан иборат профессионал пиеда аскарларнинг доимий отрядлари ҳам бор эди. Яничарлар сафига асир қилиб олинган ва зўрлаб ислом динига киритилган ёшлардан териб олинарди, шунингдек, сипоҳийлардан иборат ўзига хос отлик аскарлар ҳам бўларди.

Сипоҳийларга кўрсатган ҳарбий хизматлари бадалига ер инъом қилинарди, яъни ўзига хос ҳарбий бенефиция улашиларди. Турклар византияликларнинг тажрибсидан ўрганиб, жанг пайтларида қамал қилиш ишига катта эътибор берардилар (девор тешадиган қурол, қамал миноралари ва бошқаларни ишлатардилар). XIV аср охирида ва XV асрда турклар ўқ отадиган қурол ишлата бошладилар. Жумладан, кўп миқдорда замбарак отишни қўлладилар. Ёш Туркия давлатида феодаллаша боровчи уруғ-қабилалар зодагонлари асосий раҳбарлик ролини ўйнаб, улар оддий кўчманчи-жангчилар отрядларига бошчилик қилардилар. Сақланиб келган патриархал-қабилачилик муносабатлари усмон турклар кўшинини маълум даражада бирлаштирди ва барқарор бир кўшинга айлантирди. Бошқа кўчманчиларнинг кўшинлари сингари, усмонлар кўшини ҳам шиддатлилиги ва чаққонлиги билан ажралиб турарди, бу кўшин ўтроқ аҳолини, айниқса шаҳарларни талашдан манфаатдор эди.

Византиянинг истило қилинган ҳудудларини ўзларига мулк қилиб олган кўчманчи зодагонлар бора-бора феодал типидagi ўтроқ ер эгаларига айланиб, тобе этилган грек-византияликларни ва славян аҳолисини эксплуатация қилдилар. Оддий туркларга ҳам ер улашиб берилди, бошда кўпроқ ўтлоқлар, улар ўтроқ ҳолга кўчиб деҳқончилик қила

бошлаганларидан сўнг эса ҳайдаб экин экиладиган ерлар ҳам бериладиган бўлди. Ҳарбий соҳада эришилган ютуқлар ва анча ҳудуднинг қўшиб олиниши турк феодалларини янгидан янги истилоларга ундади, хусусан қўшни давлатлар, яъни Византия ва Болқон ярим оролидаги бошқа давлатлар парчаланган ҳолатда қолиб келавердилар, уларнинг ўзаро муносабатлари эса аввалгича душманлик муносабатида қолаверди, шунинг натижасида уларнинг босқинчиларга зарба беришга қурбилари етмас эди. Урхон 1331 йили Никей шаҳрини, кейин эса Византиянинг Кичик Осиёдаги бошқа барча мулкларини истило қилгандан сўнг, Европада истилолар қилишга киришди. 1354 йили у Дарданелл бўғозининг Европа қирғоғидаги Галлиполь шаҳрини босиб олди. Сўнгра турклар Фракияга бостириб кирдилар. Энди Урхон у томонга иккита юриш қилди. Бу вилоятлар бундан кейинги султон, яъни Мурод I даврида (1359-1389) истило этилди. Мурод I 1361 йили Фракиянинг асосий шаҳри – Адрианополни (Эдирне) босиб олди, у Брусу ўрнига Туркиянинг янги пойтахти бўлиб қолди [27, 353-354 б.]

Турк жангчилари Болқон ярим оролида ғоят шафқатсизлик билан иш кўрдилар. Улар тинч аҳолини таладилар ва ўлдирдилар. Аҳолининг кўпчилиги қулларга айлантирилиб, Шарқдаги қул бозорларида сотилди.

Қадимги унумдор Фракиянинг босиб олиниши султонга ҳарбий-феодал ер эгалигини яна кенгайтириш имконини берди. Туркларнинг ўзлари ҳам, шунингдек, турли хил турклашган халқлар ёки ислом динини қабул қилган ғайри турк вакиллари ҳам феодалларга – катта ер эгаларига айлана бордилар. Бу одамларнинг кўпи Болқон ярим оролининг ўзидаги турли мамлакатларга мансуб бўлиб, улар фотиҳлар томонига ўтган феодаллар эди.

Турк деҳқонларининг катта бир қисми ҳам Кичик Осиёдан Болқон ярим оролига кўчириб келтирилди. Болқон ярим оролидаги тобе этилган маҳаллий аҳолидан тортиб олинган ер майдонлари ана шу кўчириб келинган деҳқонларга улашиб берилди.

Асосий оғирлик Болқон ярим оролига кўчирилиши билан туркларнинг сиёсий ҳаётида ўтроқ деҳқон зодагонлар етакчи роль ўйнай бошладилар.

Бу янги ўтроқ феодал зодагонлар Кичик Осиёдаги кўчманчи ярим феодал, ярим уруғчилик ҳаёт кечирувчи зодагонларни иккинчи ўринга сиқиб чиқардилар. Бу вақтга келиб олий табақа турклар ҳаётининг ўзида ҳам ўзгариш рўй берди. Адрианополдаги султон ва унинг сарой аъёнлари зебизийнатли ҳаёт кечирадиган бўлдилар. Кичик Осиё даври учун характерли бўлган эски, маълум даражада ҳали сақланиб келган патриархал муносабатлар тезда йўқ бўлиб, уларнинг ўрнини батамом таркиб топган феодал тузумнинг янги, очиқ-ойдин ифодаланган аломатлари эгаллади. Адрианополнинг ва бутун Адрианополь вилоятининг (ёки турклар атаганларидек Румелиянинг) босиб олиниши Болқон ярим оролида бундан кейинги истилоларга йўл очиб берди. Стратегик жиҳатдан Румелия ғоят муҳим аҳамиятга эга эди. Турклар бу ҳудудни босиб олиб, Болқон ярим ороли массивига пона қоққандек бўлдилар. Константинополнинг ўзи Болқон ярим оролининг қолган бошқа қисмидан энди тамомила кесилиб қолган эди. 1371 йили серблар, болгарлар, валахлар ва венгрлар қоалицияси Муродга қаршилик кўрсатмоқчи бўлди. Аммо иттифоқчилар Марица дарёси бўйидаги жангда енгилдилар. Шундан кейин Жанубий Сербия султон қўл остига ўтди. Византия императори унинг вассали бўлиб қолди [35].

Болқон ярим оролининг Туркия томонидан босиб олинишида Косово майдонидаги жанг муҳим аҳамият касб этди.

1389 йил 15 июнда Косово майдонида (Жанубий Сербияда) янги катта жанг бўлди. Бундан олдин турклар устидан қисман ғалаба қозонган Сербия қироли Лазарь 80 минг кишилик катта қўшин тўплади. Бу қўшинда серблардан ташқари, боснияликлар ва венгрлар ҳам бор эди. Султон Мурод бошчилигидаги турклар Лазарнинг кучларидан уч мартадан ортиқроқ куч билан Сербия устига юриш қилдилар. Бир ёш ватанпарвар серб жонидан кечиб султон ётган чодирнинг ичига кириб, уни ўлдирди. Аммо бу вазиятни

ўзгартирмади. Муроднинг ўғли шахзода Боязид янги султон деб эълон қилинди ва у улкан турк армиясига қўмондонлик қилишни ўз зиммасига олди. Турклар томонида аскарӣй кучлар устун бўлганлиги натижасида серблар ва уларнинг иттифоқчилари зўр матонат кўрсатишларига қарамасдан, тор-мор этилдилар. Қирол Лазарь асир қилиб олинди ва султон Муроднинг ўлими учун у қатл этилди. Шундан кейин Сербия ҳудудининг катта бир қисми Туркияга қўшиб олинди. Шимолий Дунай бўйи Сербияси (у Подунавия деб аталади) нинг қолган кичик қисмини серб князлари султоннинг вассаллари ҳуқуқида бир оз вақт идора қилдилар. Аммо 1459 йилга келиб бу сўнгги серб ҳудуди ҳам турклар томонидан истило қилинди ва турк мулкларига киритилди [38].

Косово майдонидаги жанг серб халқининг достонида яққол акс эттирилган. Бу мавзуга бағишланган кўпдан-кўп кўшиқларда жангларда қатнашган қаҳрамонларнинг фидокорона кўрсатган жасурлиги кўкларга кўтариб мақталади ва узоқ вақтгача турклар асоратига тушиб қолган Сербиянинг тақдири ҳақида аза тугилади. Косово майдонидаги енгилишнинг сабаблари дostonда ғалати қилиб тушунтирилади, яъни серб воеводалари орасида етарли даражада бирлик бўлмади ва ҳатто хиёнат ҳам юз берди (Вук Бранкович) дейилади [15, 216-б.].

Маълумки, 1261 йилда грек Византия империясининг қайтадан ткиланиши буюк давлат бўлган Византиянинг ўтмишдаги куч-қудратини қайта тиклаш деган сўз эмас эди. Михаил VIII Палеологнинг мулкларӣ фақат Кичик Осиёнинг шимоли-ғарбий бурчагидан, Болқон ярим оролидаги Фракия ва Македониядан, Мореянинг бир қисмидан ва Эгей денгизининг шимолий қисмидаги баъзи бир ороллардан иборат эди. Константинополь таланган ва қисман вайрон қилинган эди. Унинг савдо соҳасидаги аҳамияти йўқолди. Венецияликлар ва генуяликлар Эгей денгизида ҳам, Босфорнинг ўзида ҳам, шунингдек, Қора денгизда ҳам савдо-сотик ишларини ўз қўлларига киритиб олган эдилар. Латинларнинг ҳукмронлиги Византиянинг бурунги савдо

алоқаларини емириб ташлади. Аммо у, айна замонда, Византия давлати идорасининг эски механизмини ҳам вайрон қилди. Қайта тикланган Византия иқтисодий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам бир-бирови билан боғланмаган ҳамда марказга унча итоат қилмаган, ўзига мустақил округларга тобора кўпроқ бўлиниб борган вилоятлар йиғиндисигина эди. Кичик Осиё феодаллари Шарқда «мустақил сиёсат» юргизиб, турк амирлари билан ўзларича шартнома ва битимлар тузар эдилар. Болқон ярим оролида Дуклар, Ангеллар, Кантакузенларнинг зодагон хонадонлари Палеологлар билан рақиблашиб юрардилар. XIV асрда Кантакузенлар Палеологларни тахтдан анча вақтларгача четлатиб, императорлик ҳокимиятини босиб олишга муяссар бўлдилар. Византия тарихининг сўнгги даврини характерлаб берувчи ўзаро феодал урушлари унинг сиёсий ҳаётини издан чиқарди, бу эса Византиянинг ички иқтисодий алоқалари заифлашганлигини билвосита кўрсатиб берди. Византиянинг кейинроқ даврида натурал хўжаликка ва ишлаб бериш рентасига қайтишдек очикдан-очик орқага кетиш (регресс) пайдо бўлди. Қашшоқлашган аҳолининг давлат талаб этган оғир солиқларни тўлашга қурби етмай қолди, ҳолбуки, давлат ўзининг ҳудуди камайганлигига қарамай, номуносиб катта бюрократик аппаратни сақлаб қолган эди. Фақат крепостной деҳқонлар (париклар) гина эмас, балки шаҳар плебей элементлари ҳам ғоят ночор аҳволда яшардилар. Саноат, савдо-сотиқ, денгизчиликнинг орқага кетиши шаҳар камбағаллари учун ва ҳатто шаҳарликларнинг ўрта табақаси учун ҳам келгусида ишсизлик, очлик ва батамом қашшоқланиш хавфи туғилган эди. Социал муносабатлар тобора кескинлашди. XIV асрнинг 40-йилларида империя бўйлаб шаҳарликларнинг кутилмаган ғоят зўр ҳаракатлари авж олди. Бу ҳаракатлар Адрианополь, Солунь (Фессалоника), Гераклея ва бошқа шаҳарларда юз берди. Солундаги етти йил (1342-1349) давом этган ҳаракат айниқса кучли ҳаракат бўлди. Зилотлар кўзғолони номи билан машҳур бўлган бу ҳаракат натижасида кўзғолончилар маҳаллий патриций зодагонларининг вакиллари қатл

этдилар, бу зодагонларнинг молу мулкини мусодара қилдилар, Италия шаҳар республикалари типигаги Солунь (Фессалоника) шаҳарини мустақил республика деб эълон қилдилар. [28, 354 б.]

Туркларнинг Марица дарёси бўйидаги (1371 й.) ва Косово майдонидаги (1389 й.), шунингдек, Никополь ёнидаги 1396 й.), ғалабалари Константинополнинг қулашини муқаррар қилиб қўйди. Боязид тезда Византияни забт қилиш ҳақидаги планларини ҳеч кимдан яширмади. Византия императори Мануил II 1399-1402 йилларда Ғарбий Европага кетиб, у ерда Италиянинг турли ҳукуматларидан, шунингдек, Англия ва Франция қиролларидан ёрдам олишга уриниши беҳуда бўлиб чиқди. Мануил Парижда турган пайтида, унга мўғуллар Боязидни тор-мор қилиб ташлади, деган хабар етди. Император даҳшатли душмандан батамом кутилибман деган умидда Константинополга қайтиб келди. «Ангор фалокати» туфайли Византиянинг ҳалокати ҳақиқатан яна эллик йил орқага сурилди. Империя ҳатто Солунь шаҳарини бир оз вақт ўзига қайтариб олди.

1.3. Султон Боязид I Йилдиримнинг ҳокимият тепасига келиши ва босқинчилик юришлари

Боязид Йилдирим (усмонча بايزيد اول — *Bâyezid-i evvel*, туркча *Birinci Bayezid, Yıldırım Bayezid* (1354, 1360 ёки 1357-1402) – усмонли турклар султони, Усманийлар салтанатида 1389-1402 йилларда ҳукмронлик қилган. Боязид Йилдирим даврида Болқон ярим оролидаги турк истилолари давом эттирилган, империя ҳудуди даярли 2 баробардан кўпроққа кенгайган [38]. Ўз ҳукмронлиги даврида Сербия, Болгария, Македония, Фессалия, Венгрияни босиб олган ва давлати таркибига қўшган. Салибчилар қўшинларини тор-мор келтириб, Боснияни ўзига бўйсундирган. Византия устидан ўз протекторатини ўрнатган. Боязид усмонлиларнинг Онатўлидаги позицияларини мустаҳкамлашга, кичик бейликларни ўзига бўйсундиришга

ҳаракат қилган. Бу ҳол Амир Темурнинг аралашувига сабаб бўлган. Амир Темур билан Анкара ёнида бўлиб ўтган жангда (Ангор жанги ҳам дейилади, 1402 йлда бўлиб ўтган.) Анатолия (Онатўли, Анталья) амирларининг сотқинлиги натижасида тор-мор келтирилган ва Амир Темур томонидан асирликка олинган, бир йилдан сўнг асирликда вафот этган [34].

Боязид импульсивлиги ажралиб туриб, ўзидан олдин ўтган орқа-олдинга қараб иш юритган султонлардан кескин фарқ қилган. Бошқа томондан эса, Боязид иқтидорли саркарда бўлган, кўшинлари доимо тезкор ва шиддат билан ҳаракат қилгани туфайли унга Йилдирим (Елдирим) – Чақмоқли деган лақаб беришган. Ўз ҳукмронлигининг 13 йиллик даври мобайнида Боязид фақат бир марта мағлубиятга учради, у ҳам бўлса Амир Темур томонидан енгилиб, бошқа ҳукмронлик қила олмади [18, 171-б.]. Уни давлат ишлари ташвишлантормас эди, бу ишларни у губернаторлар зиммасига юклатиб кўярди. Босқинчилик юрилари оралиғида Боязид, одатда ўз аъёнлари билан Европада жойлашиб олиб, вақтини айш-ишрат, ичкиликбозлик билан ўтказарди, ўз ҳарамидаги аёллар ва ўғил болалар билан айш-ишрат қиларди [18, 172-б.]. Султоннинг саройи ва сарой аъёнлари дабдабалиги билан ажралиб турган ва Византиянинг гуллаб-яшнаган даврини эслатган. Бунда Боязид жуда диндор одам бўлган, Бурса масжидидаги шахсий хонақоҳида узоқ вақтни ўтказарди, сўнгра эса ўз атрофидаги ислом илоҳиётчилари билан муомала қиларди, суҳбат кўрарди.

Боязид I Йилдирим тарихга тўртинчи усмонли султон сифатида кирди. У султон Мурод I ва Гулчечак-хотун (келб чиқиши грециялик, яъни юнон бўлган) нинг кенжа ўғли бўлиб [18, 180-181-б.], 1381 йилда Гермиян амири Сулаймоннинг қизига уйланди. Амир Сулаймоннинг мулоклари Ғарбий Онатўлда, Эгей денгизининг қирғоқларида жойлашган эди. Қалин сифатида Усмонлилар амирлик ерларининг бир қисмини олишди. Тез орада Боязид Онатўлидаги қажимгши усмонийлар мулкларининг пойтахти бўлган Кютахья губернатори этиб тайинланди. Унинг вазифаси давлат шарқий чегаралари

хавфсизлигини таъминлаб туришдан иборат бўлди. Боязид 1386 йилги Караман бейлиги раҳбарлиги остидаги аксилусмонли коалиция устидан қозонилган ғалабада кўзга кўринарли роль ўйнади. Айнан ўша пайтда у “Йилдирим” лақабини олди. [38].

1389 йил 15 июнь куни ўз отаси Мурод I вафот этганидан кейин Боязид султон деб эълон қилинди. Унинг отаси Косово майдонидаги жанг пайтида серб князи Милош Обилич томонидан ўлдирилди. Боязиднинг онаси юнон бўлгани учун, усмонийларнинг христиан бўлган вассаллари уни шу заҳотиёқ султон сифатида тан олишди. Айни вақтда унинг катта акаси, иқтидорли саркарда ва қўшинларда обрў-эътборга эга бўлган Ёқубнинг турклар ўртасида кўплаб тарафдорлари бўлган [38]. Ворислик сабаби билан молжаро келиб чиқишидан хавфсираган Боязид ҳокимият тепасига келиши билан отаси вафотидан беҳабар бўлган ва ўша вақтда Онатўлида бўлган ўз акасини буғиб ўлдиришга буйруқ берди. Шу тариқа Боязид тахт учун ака-укаларни ўзаро ўлдиришни амалиётга киритди ва бу ҳол Усмонийлар сулоласи тарихида қаттиқ илдз отди ва кечинчалик ҳам давом этди. Ўрта асрларда замона зайли билан ўлдириш ака-укалар ўртасидаги можаролардан чиқиш учун қабул қилинган яхши қарор ҳисобланарди [38].

Косово майдонидаги жангда серблар қўшинлари тор-мор қилинди. Боязид ўз отаси ўлими учун қасос олди ва Косово майдонида бўлган кўпчилик серб зодагонларини кириб ташлади. Серб князи Лазарнинг ўғли ва меросхўри Стефан Вулкович билан Боязид иттифоқ тузиб, унга кўра Сербия Усмонийлар империясининг вассали бўлиб қолди. Ўз навбатида Стефан ўз отаси имтиёзларини сақлаб қолиш учун кумуш конларидан улпон тўлаш ва султоннинг биринчи талаби билан серб қўшинларини тақдим этиш мажбуриятларини ўз зиммасига олди. Стефаннинг синглиси ва Лазарнинг кизи бўлган Оливера Боязиднинг хотини бўлди [38].

Усмонийлар қўшинлари Европада жанг қилган пайтда, кичик онатўли бейликлари улардан усмонийлар тортиб олган ҳудудларни қайтариб олишга

уриндилар. Аммо 1389—1390 йиллар қиш пайтида Боязид қўшинини Онатўлига ўтказиб, шиддатли ҳужум уюштирди ва қисқа вақт ичида ғарбий бейликлар Айдин, Сарухан, Гермиян, Ментеше ва Хамидни босиб олди [38]. Шу тариқа усмонийлар биринчи бор Эгей ва Ўрта Ер денгизи бўйларига чиқиб олишди, уларнинг давлати эса денгиз давлати мақомига томон дастлабки қадам ташглади. Янги тузилган усмонийлар флоти Хиос оролини талон-тарож қилди, Аттика қирғоқларига босқинлар уюштирди ва Эгей денгизидаги бошқа оролларни савдо-сотикдан маҳрум қилишга уринди.

1390 йилга келиб Боязид йирик бейлик Караманнинг пойтахти Коньяни қўлга киритди. Кейинчалик Кайсери, Сивас, шимолий амирлик Кастамонуни эгаллаб, Қора денгиздаги бандаргоҳ Синопга чиқиб олди. Эндиликда Онатўлининг катта қисмида Боязид ҳукмронлик қила бошлади [18, 196-197-б.]. Бўйсундирилган бейликлардаги бошқарувни Боязид губернаторларга топшириб, ўзи эса маҳаллий ишларга аралашмасдан, кўп вақтини Европада ўтказди.

Хуллас, Боязид тахтни 1389 йилда эгаллади. Ҳокимиятни қўлга киритгач, отасидан қолган кўпсонли ва яхши ташкил этилган қўшинга раҳбарлик қила бошлади. Боязид I отасининг Болқондаги ва Осиёдаги истилоларини давом эттиришга қарор қилган. Дастлаб Боязид I Сербияни ўзига итоат эттиришни қарор қилади. 1390 йилда усмонли туркларнинг катта қўшини Сербияга бостириб киради. Сербия ҳукмдорлари турк султониغا қарши ўз кучларини бирлаштира олмадилар ва унга бўйсунишга мажбур бўлдилар [23, 81-82-б.].

Сўнгра ночор аҳволга келган Византия империясининг навбати келди. Византия ҳатто ўзининг сўнгги эгаликларини ҳмоя қилишга қодир эмасди. Константинополга Шимолий Италия шаҳарларидан христиан ҳарбий отрядларининг келиши ҳам шаҳарни қутқара олмади. Усмонли турклар қадимги шаҳар Константинополни 1391 йилдан 1399 йилгача қамал қилишди.

Сербия ва Византиядаги дастлабки йирик муваффақиятлардан кейин турк қўшини яна бир қатор ҳарбий юришлар уюштирди. Боязид Йилдирим шахсан қўшинларга раҳбарлик қилди ва ҳарбий ҳаёт қийинчиликларидан нолимади. Аввал турклар Болгарияни талон-тарож қилиб, бу мамлакатда кўп асрлар давом этган усмонлиларнинг зулмига, истибдодига асос солдилар. Қўшни Македония ҳам худди шундай тақдирга мувтаало бўлди. Турклар қўшини тоғларда ҳам уруш олиб бориш тажрибасига эга эди, шунинг учун македонлар уларни енга олмадилар. Усмонлилар қўшинининг сон жиҳатидан катта эканлиги Болқон ярим оролидаги ҳарбий юришларда Боязид муваффақиятларининг асосий сабаби эди. [23, 83-б.]

Болгария ва Македонияни босиб олгандан сўнг султон Боязид ўз диққат-эътиборини Греция ҳудудларига қаратди. Дастлаб у Фессалияга бостириб кирди ва у ерда қаршилик учратмади. Сўнгра унинг қўшини Грециянинг ўзига кириб борди. Бу ерда Боязид қўшинлари Аргос шаҳрини ер билан яксон қилиб вайронага айлантиришди.

Боязид I турк султонларидан биринчи бўлиб кучли ҳарбий флотни туза бошлади. Бу флот ёрдамида у денгизда ҳам истилочилик юришларини амалга оширишни кўзлаган эди. Аввал бошдан усмонли турклар Эгей денгизидаги кўпсонли аҳоли яшайдиган грек оролларига ўз эътиборларини қаратган эдилар. Бироқ оролликлар эркесварлиги билан ажралиб туриб, уларнинг шаҳарлари мустаҳкам тош деворлар билан ўралган эди. Бундан ташқари греклар туғилганидан денгиз иши билан шуғулланиб, бу соҳада тажрибали эдилар. Шунинг учун ҳам уларни денгиздаги жангларда енгиш жуда қийин эди.

Усмонли турклар султони бу ерда ҳам унга берилган лақаб «Йилдирим» - «Яшин, Чақмоқ» лақабига содиқ қолиб, бошқа тактикани кўллади. Унинг десантга тўла флотилиялари грек архипелагининг оролларига талон-тарожлик ҳужумларини уюштира бошладилар. Бундай тактикадан фойдаланиш шунга олиб келдики, тез орада бир қатор грек ороллари

усмонли турклар кўлларига ўтди, оролликлар эса Усманийлар империясининг кўп сонли елканли ва эшакли кемалардан иборат флотининг экипажларини тўлдиришди.

1396 йилда улкан Усманийлар қўшини Боязид I раҳбарлиги остида яна бир юриш уюштирди ва Византия пойтахти Константинополни қамал қилди. Шаҳар мустаҳкам қалъа деворлари билан ўралган бўлишига қарамай, уни ҳимоя қилувчи гарнизон кучсиз эди.

Константинополни турклар томонидан қамал қилинаётгани тўғрисидаги ахборот Европада ўз акс-садосини топди. Венгрия ва Чехия қироли Сигизмунд Рим папаси Бонифаций IX ёрдамида 1396 йилда усмонли туркларга қарши Салиб юришини ташкил этди. [23, 87-б.]

1396 йил 25 сентябрга ўтар кечаси Венгрия ва Чехия қироли Сигизмунд ҳарбий кенгаш чақирди. Кенгашда рицарлар отрядларининг бошлиқлари узок вақт ва ҳеч бир натижасиз улардан ким биринчи бўлиб усмонли туркларга қарши жангни бошлашга муваффақ эканлиги ҳақида баҳс юритишди. Эрталаб эса француз рицарлари кўркмас герцог де Невер бошчилигида қамал лагеридан чиқиб, ва салибчиларнинг бошқа отрядларини кутмасдан туриб, усмонли турклар позицияларига қараб йўл олди.

Жанг қилаётган томонларнинг кучлари тенг эмасди. Боязид I ўзи билан 200 минг жангчидан иборат қўшинни олиб келган эди. Бу қўшин олдинги истилочилик юришларида ҳарбий тажрибага эга бўлган эди. Венгрия ва Чехия қироли Сигизмунд эса атиги 50 минг жангчидан иборат қўшинга эга эди [23, 90-91-б.].

Герцог де Невер қўмондонлиги остидаги француз рицарлари турк сипоҳий ўқотарлари қаторини осонликча кесиб ўтди. Бироқ уларнинг орқасидан қувиб бораётганда, яқиндаги тепаликларда жойлашган яничарлар ўқлари остида қолишди.

Тепаликларда мустаҳкам ўрнашиб олган яничарларга дуч келган француз рицарлари, ҳужумда ҳолдан тойган эди, шунинг учун яничарлар

позицияларини эгаллай олмаган эди. Сипоҳийларнинг оғир қурол-яроғлар билан қуролларган сипоҳий отряди француз рицарларига ҳужум қилиб, уларни енгдилар. Усмонли турклар бир неча минг француз салибчиларини отиб ўлдиришди, қолганлари эса асирликка олинди.

Венгрия ва Чехия қироли Сигизмунднинг Никопол остидаги мағлубияти усмонли туркларга Венгрия қўшинларининг ҳеч қаршилигисиз тоғли Боснияни ўзларига бўйсундиришга имкон берди. Босния ўзига хос плацдармга айланиб, у ердан турк қўшинлари Европага катта юришлар уюштириб турдилар. Тоғли Босния Сербия ва Черногория ерлари ва Муқаддас Рим империясининг, кейинчалик эса Австрия империясининг мулки бўлмиш Хорватия ҳудудлари устида жойлашган эди.

Босния Боязид I нинг саркардалик таржимаи ҳолида сўнгги саҳифалардан бири бўлиб қолди. Амир Темурнинг Кичик Осиёга бостириб кириши Европадаги турк истилоларини тўхтатди. Амир Темур сиймосида турклар султони ўзига мос рақибни учратди. Амир Темур ва Боязид I ўртасидаги ҳал қилувчи ва яқою ягона жанг 1402 йил 20 июн куни Анатолиянинг марказий қисмида бўлиб ўтди ва жаҳон ҳарбий тарихидаги энг йирик жанглардан бири ҳисобланади.

Турли манбаларга кўра бу жангда бир миллиондан икки миллионгача жангчилар иштирок этишди. Лекин мутахассимларнинг фикрича, бу рақамлар бўрттириб кўрсатилган бўлиб, шарқий манбаларда кўрсатилган рақамлар тўғрироқ эканлигини қайд этишмоқда. Шарқий манбаларга кўра Амир Темурда 250 -350 минг жангчи, 32 жанговар фил, Боязидда эса 120-200 минг жангчи бор эди. Анатолиянинг барча йўллари кесишган Ангора (Ангер, Анкара) жанг майдони бўлди. Айрим Европадаги манбаларга кўра турк султони жанг олдида Сивосга, Амир Темур ҳузурига музокаралар олиб бориш учун ўз элчиларини жўнатган бўлиб, Амир Темур элчилар олдида ўз қўшини қудратини намойиш этди.

Султон Боязиднинг қўшинлари, айниқса яничарлар мардонавор жанг қилган бўлсалар-да, Амир Темур қўшинини енга олмасди. Амир Темур катта жанг олиб бориш санъатида ўз рақибидан устун келди. У Боязид қўшинини ўраб олишга муваффақ бўлди. Турклар тор-мор қилиниб, Ангора атрофларига ёйилиб кетишди. Яничарлар эса деярли бутунлай қирилиб ташланди.

Боязид Йилдирим ўғилларидан бири билан асирликка тушди. Амир Темур турк султонини жазоламасдан, ўзига яқин тутди. Бироқ, айрим манбалардаги маълумотларга кўра, Боязид Амир Темурга қарши уюштирилаётган фитнага қўшилганидан кейин, Боязидни кечки пайт темир занжир билан занжирлай бошладилар. Эндиликда у ҳақиқий асирга айланди [40].

Бундан кейинги истилочилик юришларида Амир Темур турк султонидан ажрамади. Боязид I темир қафас билан ўралган аравада Темур кетидан олиб борилган. Бу эса Боязидни шафқатсиз Темур томонидан темир қафасга солингани ҳақидаги афсоналарнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Усманийлар султони Боязид Йилдирим ҳеч қандай шон-шуҳратсиз, асирликда вафот этган бўлса-да, Усмонли Турклар империяси тарихида Сербия, Византия империяси, Болгария, Македония, Фессалия, Босния ва грек ерларини ўзига бўйсундирган буюк саркарда сифатида қолди. Унинг фаолияти натижасида Усманийлар империяси бу мамлакатлар устидан деярли уч юз йил (уч аср) ҳукмронлик қилди.

Ички ишларда Боязид I ҳукмронлиги даври Усманийлар давлатида грек-византия таъсирининг кучайиши билан тавсифланади. Боязид Йилдиримнинг онаси грек бўлган, хотинлари – византиялик ва сербиялик князлар қизлари бўлган. Сарой аъёнлари грек тилида сўзлашар ждилар. Хазинани византиялик мансабдорлар бошқарардилар. Усманийлар империясида сарой қонун-қоидалари Византияникига ўхшаш бўлган.

Турк султонлари истило қилган кўпдан-кўп ҳудудларнинг маъмурий тузилиши бир хил шаклга солинди. Бутун империя 21 вилоятга бўлиниб, улар ўз навбатида 250 санжақга тақсим қилинди. Ҳар бир вилоятнинг тепасида вали, яъни губернатор турар, санжақ бошлиғи эса санжақбе, деб аталарди.

Янги ташкил топган ҳарбий-феодал империя ҳарбий ишларга катта эътибор берди. Боязид отаси Муроддан қолган турк қўшинларининг яничарлар деб аталган имтиёзли қисмини тартибга солган махсус регламент тузди. Яничарларнинг сони 12 мингдан 20 мингга етказилган эди. Улар мунтазам сураатда катта маош олиб турар эди. Туркиянинг асосий ҳарбий кучини феодаллар лашкари ташкил этган. Ҳар хил ер эгалари, чунончи, султоннинг леккинлари, йирикроқ ер эгаларидан – зоимлар ва бейлар, улардан майдароқ ер эгалари бўлган тимариотлар ва сипоҳийлар султон чақирган ҳамоно ерларига яраша миқдордаги қуроли деҳқонлари билан биргаликда юришларда қатнашиш учун етиб келишлари лозим эди. Шу тариқа тўпланадиган қўшиннинг сони 250 минг кишига етган [17, 218-б.].

Турк деҳқонлари давлатга солиқ тўлаш билан бирга ўз помещчикларига ер ва сув ҳақи, иморат, чорва, тегирмон ҳақи ва бошқа шу сингари солиқлар тўлашлари лозим эди. XIV аср охирида турк деҳқонларининг аҳволи анча ёмонлашди.

Турк деҳқонларининг аҳволи қанчалик оғир бўлган бўлса, диний эътиқоди жиҳатидан христианларга мансуб бўлиб, истило қилинган маҳаллий аҳолининг аҳволи ундан ҳам оғир эди. Серблар, греклар, болгарлар, валахлар (румунлар) ва бошқа риёлар (мусулмон бўлмаганларнинг ҳаммаси турк давлат тилида шундай деб аталарди) мусулмонларга қараганда давлатга икки барабар кўпроқ солиқ тўлашга мажбур эдилар. Улар мол-мулкининг дахлсизлиги бутунлай таъмин этилмаган эди, ўзлари ҳам доим турк маъмурлари ва ҳарбийларининг ўзбошимчалигидан ва таҳқирлашидан азоб чекар эдилар. Диний расм-одатларнинг ижро қилинишига ижозат берилар экан, бунинг учун христиан

аҳолисида яна қўшимча равишда солиқлар олинарди. Риёлар озгина норозилик билдирганлари тақдирда, улар устига жазо экспедициялари юборилар ва бу экспедициялар тинч аҳолини талар, ўлдираар эди.

Болқон яриморолидаги халқлар турклар истилоси натижасида қандайдир сунъий бир тўсиқ билан бутун Европадан ажратилганидан турклар зулми шароитида жуда секин ривожланиб бордилар. Савдо-сотиқ ишлари тор доирада олиб борилди ва фақат маҳаллий характердагина эди. Саноат жуда секин ривожланди. Болқон яримороли халқлари (кўпчилиги славян халқлари) бошига ғоят зўр офат бўлиб тушган турклар истилоси натижасида бу халқларнинг юз йиллар давом этган қисмати шу бўлдики, қишлоқ хўжалиги техникаси пастлигича қолаверди, бир қатор вилоятларда натурал хўжалик ҳукмрон бўлиб келди, крепостнойлик муносабатлари сақланиб қолди, маданият турғунликка учради [17, 218-б.].

Турклар томонидан бўйсундирилган Болқон халқлари турклар зулмига индамасдан бўйсунавермадилар. XV аср бошларида Болқон яриморолидаги мамлакатларнинг турклар томонидан забт этилган даврдан бошлаб кейинги асрлар мобайнида Болқон ярим оролидаги мазлум миллатларнинг кураши уларнинг бутун тарихи давомида тўхтамасдан давом этиб келди. Жуда катта армия, кўпдан-кўп мансабдорлар, турк феодал-оккупантларининг бутун бир табақадан иборат ғоят катта мажбур қилиш воситасига таянувчи турклар зулмини ағдариб ташлаш имкониятига эга бўлмаган тобе аҳоли партизанлар урушини олиб бордики, бу уруш аслида XVI-XVII асрлар даврида ҳам, шундан кейинги даврда ҳам мустақил давом этди. Партизанлар тоғлик жойлар шароитидан фойдаланиб ва деҳқон жамоалари мададига таяниб ярим оролда турк ҳукмронлигининг асосларига путур етказдилар, забтчи турклар обрўсини туширдилар, ҳамда турк махмурияти ва турк маҳаллий феодалларининг энг ёвуз вакилларига қарши халқ қасосчилари бўлиб чиқдилар. Партизанлар турли номларга эга эдилар: болгарлар ва сербларда – гайдуклар, Грецияда – клефтлар, Далмацияда – ускоклар ва хоказо деб

аталардилар. Партизанларнинг қаҳрамонона кураши Болқондаги барча халқларнинг турклар ҳукмронлиги давридаги халқ кўшиқларида яққол акс эттирилди. Аммо партизанлик ҳар ҳолда Туркия ҳукмронлигига қарши курашнинг етарли услуби эмас эди, у тарқоқ ва пароканда эди. Туркия маъмурлари партизанларнинг чиқишларига қарши курашнинг ўзларига хос террористик усулларини қидириб топдилар. Ҳар ҳолда партизанлар Болқон яриморолидаги турклар ҳокимиятини ўз кучи билан тугата олмадилар.

Турклар зулмига қарши маълум халқлар томонидан олиб борилган курашнинг яна бир шакли – айрим жойларда, кўпинча энг йирик шаҳар пунктларида тез-тез фитналар ва қўзғолон кўтаришга бўлган уринишлардан иборат бўлди. Одатда бу фитналар ва қўзғолонлар четдан бўладиган мададага, яъни Европадаги бирор давлатнинг мададига умид боғлар эди.

Боязид вафотидан сўнг миллий зулм, мазлум миллатларни доимо бостириб туриш режими жуда катта Усманийлар империясининг аслида заиф бўлганини ва беқарорлигини кўрсатди. Туркия империясининг сиёсий тузуми, идора қилиш тизимининг ўзи ҳам унинг зиддиятлар ва ичидан заифлигини XVI асрдаёқ намоён этган эди. Фуқароларнинг бутун ҳаёт-мамотини ўз қўлида тутиб турган султон мустабид ҳокимияти Боязид ҳамда Сулаймон I нинг тахт ворислари вақтида саройдаги ҳар хил феодал партия ва гуруҳларнинг фитначилик қуролига айланди. Янги султон тахтга ўтирар экан, тож-тахтга даъво қилувчи рақиблари қолмасин учун ўзининг барча ака-укаларини кириб ташларди. Сарой ҳаётида фитна устига фитна авжига чиқиб кетар, ва одатда бу фитналарда яничарлар ҳам иштирок қиларди.

Тинмай давом этган урушлар жуда катта харажатларни талаб этарди. Жуда кўп ҳарамхоналари, маҳрамлари, беҳисоб хизматкорлари, жуда катта соқчи отрядлари ва бошқалари бўлган султон саройига ҳам озмунча маблағ сарф бўлмас эди. Туркия империясидаги мамлакатларда солиқлар ҳамиша ошиб борар, аммо аҳолининг ишлаб чиқарувчи кучлари эса жуда секин тараққий этар эди. Шу нарса характерлики, Туркиядаги савдо ва саноат

ишлари билан туркларнинг ўзлари эмас, балки султондан имтиёзли ёрликлар олган ғарбий ажнабийлар (асосан француз савдогарлари, XVI аср охиридан бошлаб инглиз савдогарлари ҳам) машғул бўлар, ёки турклар истилосигача саноати тараққий этган ва халқаро савдо-сотик ишларида қатнашган, савдо ишларига моҳир бўлган Яқин Осиё халқлари – греклар, арманлар, сурияликлар машғул бўларди. [17, 224-225 б.]

Кўпроқ урушлар билан, аҳолидан солиқ тўлатиш билан банд бўлган турк ҳукумати савдо ва саноатнинг ривожланишига ҳамда қишлоқ хўжалигининг юксалишига мутлақо ёрдам бермас эди. Туркларнинг ҳукмрон доиралари мушкул аҳволдан қутулишнинг бирдан-бир йўли янги урушлар, янги хирож ва янги солиқлар олинадиган янги ҳудудларни кўпайтириш керак, деб билди. Аммо Туркиянинг қолоқлиги, унинг ижтимоий ва сиёсий тузумидаги зиддиятлар замон ўтиши билан урушларни унинг ўзи учун хавфли ва натижасиз бир нарса қилиб қўйди. Турклар XV асрда ва XVI асрнинг биринчи ярмида бир қанча ғалабаларга эришгандан кейин, XVI аср охиридан бошлаб, айниқса XVII асрда ўзлари катта-катта мағлубиятларга учрай бошладилар ва бу мағлубиятлар XVII аср охири- XVIII аср бошларида Туркия империяси ҳудудининг анчагина торайиб қолишига сабаб бўлди.

1-боб юзасидан хулоса

Салиб юришлари даврида Қичик Осиёда Рум султонлиги номи остида яшаган салжуқ турклари давлати XIII аср бошларигя. келиб 10 та амирликка (бейликка) бўлиниб кетди. Уғуз турклари галаларининг Урта Осиёдан Қичик Осиёга кўчиб келиши ва уларнинг бундан кейин салжуқ турклари (XIII аср ўрталаридаёқ) билан аралашиб кетиши натижасида Қичик Осиёда XIII аср охири XVI аср бошларида янги давлат ташкил бўлди. Сони жиҳатидан ҳам, ўзининг ҳарбий ташкилоти жиҳатидан ҳам анча-мунча уюшқоқ бўлган кўчманчи- ўғуз турклари янги ҳукуматда етакчи роль ўйнадилар. Дастлабки

вақтларда Эртўғрул ўғуз туркларининг раҳбари бўлиб, у Византия империяси билан қўшни Сакаръе дарёси бўйида кичик бйр феодал мулкига эгалик қиларди. Эртўғрулнинг ўғли ва тахт вориси Усмон (1282—1326) Византияга қарши уруш бошлаб, унинг Кичик Осиёдаги мулкларининг кўпчилигини, шу жумладан, Брусу (ёки Бурсу) шаҳарини ҳам босиб олди. Брусу шаҳарини Усмон ўзининг пойтахти қилиб олди. Вафотидан бир оз бурунроқ Усмон Кичик Осиёдаги бошқа амирликларни ўзига итоат қилдирди. Янги турк халқи таркиб топган Кичик Осиёдаги барча турклар умуман унинг номи билан аталадиган бўлди (Усмон турклари, аслида турли қабилалар федерациясидангина иборат бўлган салжук туркларидан фарқ қиларди).

Византиянинг заифлашиб қолганлигидан ва Болқон ярим оролидаги бошқа давлатларнинг парчаланиб кетганлигидан фойдаланган усмоний турклари XIV асрда дастлаб Кичик Осиёда, кейин эса Болқон ярим оролида ҳам кенг истилочилик ҳаракатларини бошладилар. XIV асрдаги деярли бетўхтов олиб борилган урушлари шароитида туркларда профессионал кўшин, яъни аскарликки ўзига касб қилиб олган одамлар кўшини таркиб топа бошлади.

Усмоннинг тахт вориси Урхон даврида (1326—1359 й.) турк кўшини орасида халқ лашкари типидagi мунтазам кўшинлардан ташқари, яничарлардан иборат профессионал пиёда аскарларнинг доимий отрядлари ҳам бор эди. Яничарлар сафига асир қилиб олинган ва зўрлаб ислом динига киритилган ёшлардан териб олинарди, шунингдек, сипоҳийлардан иборат ўзига хос отлик аскарлар ҳам бўларди. Сипоҳийларга кўрсатган ҳарбий хизматлари бадалига ер инъом қилинарди. Усмонийлар кўшини шиддатлилиги ва чакқонлиги билан ажралиб турарди.

Урхон 1331 йили Никей шаҳарини, кейин эса Византиянинг Кичик Осиёдаги бошқа барча мулкларини истило қилгандан сўнг, Европада истилолар қилишга киришди. У Босфор ва Дарданелл бўғозларини, Андрианопол (Эдирне) шаҳрини ва бутун Андрианопол вилоятини

(Румелияни) босиб олди. Марица дарёси бўйичдаги жангдан кейин Жанубий Сербияни эгаллади. Византия императори унинг вассали бўлиб қолди. 1389 йил 15 июнда Косово майдонида янги катта жанг бўлди. Бундан олдин турклар устидан қисман Султон Мурод бошчилигидаги турклар Сербия кироли Лазарнинг кучларидан уч мартадан ортиқроқ куч билан Сербия устига юриш қилдилар. Бир ёш ватанпарвар серб жонидан кечиб султон ётган чодирнинг ичига кириб, уни ўлдирди. Аммо бу вазиятни ўзгартирмади. Муроднинг ўғли шаҳзода Боязид янги султон деб эълон қилинди ва у улкан турк армиясига қўмондонлик қилишни ўз зиммасига олди. Турклар ғалаба қозониб, Сербия ҳудудининг катта бир қисми Туркияга қўшиб олинди.

Боязид I Ўилдирим (1354-1403) Мурод I нинг тўнғич ўғли ва меросхўри, Усманийлар империясининг тўртинчи султони. Боязид тахтга 1389 йилда ўтириб, 1402 йилгача, яъни 13 йил ҳукмронлик қилди. У ундан олдин ўтган султонлар истилолари билан таъминланган қудратдан фойдаланиб, турк давлатларини (бейликларни) қўшиб олган дастлабки усманийлар ҳукмдори бўлди. Дастлаб Боязид Усманийлар империяси ҳукмронлигини Болқон ярим оролида мустаҳкамлаб, давлат ҳудудларини Дунайгача кенгайтди. 1396 йилда, Никопол ёнидаги жангда салибчиларни мағлубиятга учратди. Бундан сўнг ҳарбий ҳаракатларни Анатолияга кўчирди. 1400 йилга келиб деярли барча турк бейликларини қўлга киритди ва Усманийлар империяси ҳудудларини шарққа томон Фрот дарёсига қадар кенгайтиришга муваффақ бўлди. Фрот дарёси бўйлаб мамлюклар империяси билан чегарадош бўлди. Боязид даврида Туркия Европа сиёсатида катта роль ўйнади. Унинг истилолари нафақат жануби-шарқий, балки марказий ва ғарбий Европага ҳам таҳдид сола бошлади. Бироқ Боязиднинг Анатолияга уюштирган экспансияси у томонидан Европада босиб олинган ерларда маъмурий, молиявий ва ҳарбий ҳокимиятнинг мустаҳкамланиши тугалланмасдан бошланган эди. Шарққа, ислом ва турк минтақаларига уюштирган юришлар натижасида Боязид ғарбда кофирларнинг ерларини

босиб олиш мақсадида унинг қўшинига кириб қўшилган турк зодагонлари ва ҳарбийларининг кўмагидан жудо бўлишига олиб келди. Ушбу экспансия Усманийлар империясининг Амир Темурнинг қудратли давлати билан тўқнашувига олиб келди. Бу даврга келиб Амир Темурнинг марказлашган давлати чегаралари Яқин Шарққача кенгайтирилган эди. Амир Темур Эрондаги ва шарқий Анатолияда элхонларни ҳам мағлубиятга учратган эди. Амир Темурни ғарбий чегараларда Усманийлар империясининг тез орада юксалиши ташвишлантирарди. Бундан ташқари Боязид босиб олган ҳудудлардан, жумладан Анатолиядан ҳам Темур байроғи остига қочиб ўтган турк зодагонлари ва ҳарбийлари, уларга усмонли туркларга қарши курашда ёрдам беришга сўрар эдилар. Европа давлатларининг қироллари ҳам Темурдан мадад сўрардилар.

Амир Темур Анатолияга бостириб кириб, Ангора (Анкара) ёнидаги жангда Боязид қўшинини тор-мор қилди ва 1402 йилда Анатолиядаги турк бейликларини, жумладан Усмонлилар бейлигини ҳам усмонли турклар истилоларигача бўлган чегараларда тиклади. Боязид I 1403 йилда вафот этди. Унинг вафотидан сўнг Усманийлар империясининг чегаралари Орхон ҳукмронлигининг сўнгида (1359 й.) бўлган чегараларда бўлиб қолди. Натижада подшоҳликлараро даври (1402-1413 йй) бошланиб, бу даврда Боязиднинг ўғиллари Фракия ва Ғарбий Анатолияда усмонли туркларга қаршли ерларда ҳукмронлик қилиш учун ўзаро курашдилар. Бу давр 1413 йилда, Меҳмед I нинг юксалиши билан тугалланди.

XV аср бошларида Туркия давлати инқирозга юз тута бошлади. Туркия давлатининг кенгайиши Темур хужуми муносабати билан вақтинча тўхтаб қолди. Амир Темур Туркия давлатини йўқ қилиб юбормади. Унинг флоти бўлмаганлиги учун Европага бормай, Ўрта Осиёга қайтиб келди. 1405 йилда Амир Темур вафот қилди, шундан кейин унинг империяси тезда тарқалиб кета бошлади.

2-БОБ. XV АСРДА УСМОНИЙЛАР ИМПЕРИЯСИДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛ

2.1. Усмоний туркларнинг истилоларининг давом эттирилиши

Ангор мағлубияти натижасида турк феодаллари лагерида узоққа чўзилган ўзаро урушлар бошланди. Узоқ вақтгача султоннинг ягона ҳокимияти бўлмади. Боязиднинг ўғиллари ўртасида султонлик тахти учун қуролли кураш бўлди. 1415-1418 йилларда Кичик Осиёда (Анатолияда) турк деҳқонларининг қўзғолонлари юз берди. Буларнинг ҳаммаси турклар эътиборини Византиядан четга тортди. Аммо Туркия давлатининг сиёсий инқирози муваққат инқироз эди. Туркияда бирор-бир жиддий янги ташқи душман йўқ эди. Византия аввалгидек кучсиз давлат бўлиб қолаверди. XV асрнинг 20-йилларида турклар яна қадларини ростлаб олдилар. Улардаги ички низолар барҳам топди. Кичик Осиёлик деҳқонлар ҳаракати бостирилди. Туркия ҳарбий ташкилоти яна анча кучайтирилди, жумладан, турклар бу вақтда ўзларининг ҳарбий тизимларига артиллерия жорий этган эдилар. Ўз рақибларини енгган султон Мурод II (1421-1451) 20-йилларнинг бошларида истилоларни яна қайтадан бошлади. 1422 йилда у Константинополни уч марта қамал қилса-да, лекин уни қўлга ололмади. 1430 йилда Солунь олиниб, унинг барча аҳолиси қулларга айлантирилди[21, 114-115-б.].

Византия мулклари фақат Константинополь шаҳри ва унга туташган кичик округ билан чегараланган эди. Туркия мулклари ҳалок бўлиб бораётган империяни зич халқа билан ўраб олган эди. Византия ҳукумати туркларга қарши зўр бериб католиклар Европасидан ёрдам ахтарди. Императорлар грек черковини папа ҳокимиятига бўйсундиришга тайёр эдилар. Папалар бу таклифга қаттиқ ёпишиб олдилар. 1439 йилда Флоренция соборида папа ҳокимияти остида шарқий ва ғарбий черковлар иттифоқи эълон қилинди. Аммо грекларнинг ўзлари иттифоққа кескин қаршилиқ

кўрсатди. Грек флотининг бошлиғи Лука Нотара, Константинополда папа бош кийимидан кўра, турк салласини кўришни аълороқ кўраман, деб ошкора айтган эди. Шу сабабли унинг фикрига юқори табақалар орасида ҳам, қуйи грек аҳоли оммаси ичида ҳам кўплар қўшилган эди. Қуйи грек аҳоли оммаси салиб юришлари ва Латин империяси замонларидан бошлабоқ Ғарбий Европа феодалларига нафрат кўзи билан қарарди [23, 93-б.].

1444 йилда туркларга қарши янги салиб юриши уюштирилиб, унда поляклар, чехлар, венгрлар, немислар, қисман французлар ва бошқа Ғарбий европалик рицарлар қатнашган эди. Аммо салибчиларнинг бу сафарги юриши ҳам муваффақиятсиз бўлиб чиқди. Варна ёнидаги жангда (1444 йил 10 ноябрь) рицарлар яксон қилинди. Шунинг ўзи билан Константинополнинг ҳалокати олдиндан ҳал қилиб қўйилди.

Константинополь 1453 йил 29 майда кулади. Сўнгги Византия императори Константин XI (1448-1453) эди. Султон Мурод II нинг тахт вориси – султон Муҳаммад (Меҳмед II) (1451-1481) Константинополни забт этди. Константин XI ихтиёрида арзимаган миқдорда ҳарбий кучлар 10 мингдан камроқ киши бўлиб, бу кучлар ҳам ёлланган аскарлардан, кўпроқ генуялик солдатлардан ташкил топган эди. Меҳмеднинг 200 минг аскари бўлиб, унинг 15 мингини танланган яничорлар ташкил қиларди. Константинополь қамали икки ойча давом этди. Қамалда қолганлар денгиз орқали бир оз вақт мадад қўшинлари, қурол-яроғ ва озиқ-овқат олиб турдилар. Константинополни қуруқликдан ҳам, денгиздан ҳам ўраб олиш учун Меҳмед II ёғланган махсус ёғоч тўшамалар ёрдамида турк кемаларини Олтин Шоҳга судраб олиб ўтишни буюрди, чунки гаванга кириш йўли улкан занжирлар билан тўсиб қўйилганлиги сабабли, унга бошқача йўл билан ўтиб киришнинг иложи йўқ эди. Император Константин ўлдирилди, шаҳар ҳимоячиларининг кўпчилиги қириб ташланди. Истилочилар Византия пойтахтини беармон таладилар. Аммо Константинополни Туркия империясининг пойтахти қилишга қарор берилгани учун, султон шаҳар

биноларига зиён-заҳмат етказилмасин, деб буйруқ берди. Юстиниан замонидан қолган машҳур ёдгорлик, яъни Аё София собори сақлаб қолдирилди, лекин кейин у «Аё София» номи остида султоннинг асосий масжидига айлантирилди. Константинополь янги ном – Истанбул (Истамбул, Стамбул)¹ номини олди [27, 359-б.].

Шу тариқа эски Рим қулагандан кейин, орадан минг йил ўтгач, иккинчи (Янги Рим), яъни Константинополь ҳам қулади. Жануби-Шарқий Европада узоқ вақтгача ошкора мустабид ҳарбий феодал зулми ва энг оғир миллий зулм тузуми ўрнатилди.

Константинополни истило қилишнинг иқтисодий ва сиёсий оқибатлари ҳақида сўз юритганда, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Византияни турклар томонидан истило қилиниши Европа халқлари учун ғоят катта оқибатларга сабаб бўлди. Константинополнинг қулаши билан Левантиядаги савдо-сотиқ ишлари орқага кетди. Турклар босиб олган мамлакатлар билан савдо-сотиқ қилиш шароитлари кескин ёмонлашди. Турклар осийлик ва европалик савдогарлардан жуда катта ҳақ ундириб оладиган бўлдилар. Савдо йўллари хавфли бўлиб қолди. Туркларнинг бетўхтов олиб борган урушлари Ўрта Ер денгизи бўйида мунтазам савдо-сотиқ ишларини олиб бориш имкониятидан маҳрум этди. Бундан шу ҳолни кўрамизки, турк истилоси европалик савдогарларни ва денгизчиларни Туркия мулкларини четлаб ўтиб, Шарққа, Ҳиндистонга борадиган янги денгиз йўлларини ахтариб топиш ҳаракатини кучайтирди.

Туркларнинг Константинополни истило қилиши Марказий ва Шарқий Европа учун, шу жумладан, славян мамлакатлари учун ҳам айниқса катта сиёсий аҳамиятга эга бўлди.

¹ «Истанбул» деган ном «Ист ин полин», яъни «шаҳар ёнида» ёки «шаҳарларда» (Константинополда) деган грекча иборанинг турклар томонидан бузиб айтилгани. Турклар аввалги Византия пойтахти Константинополни Истинполин – Истанбул - Истамбул – Стамбул, деб қабул қилганлар.- Қаранг: Семенов В.Ф. Ўрта асрлар тарихи.- Т.: Ўқитувчи, 1973. 359 б. Бугунги кунда турклар «Истанбул», «Истамбул» деб юритишмоқда. Интернетда айтилганидек, бугунги кунда агар Константинопол дейилса, туркияда жарима солинар экан. Халқаро муносабатларда эса сўнги ўрта асрларда ва янги даврда Юксак Порта, Баланд Порта деб юритилиб, ҳозирда эса Стамбул дейилади.

XVI асрда Туркия Польша, Чехия, Венгрия, Австрия, Украинага қарши агрессия қилди. Турклар 1526 йилда Мохач ёнидаги жангда Ғарбий Европа салибчилари устидан янги ғалаба қозонганларидан кейин, Туркия Венгриянинг катта бир қисмини эгаллади ва Габсбургларнинг мулкларига бевосита хавф-хатар солди. Туркия солган хавф-хатар, пировардида, Габсбурглар бошчилигида Ўрта Дунай бўйида яшаган халқлардан иборат кўп миллатли Австрия давлатининг вужудга келишига имкон берди. Аммо турклар Ғарбий Европага ҳам маълум даражада хавф солмоқда эдилар [25, 74-б.].

XVI аср бошларида Европа ва Осиё туташган жойда ўзининг таркибига Мисрдан тортиб то Испаниягача барча шимолий Африка соҳилини ҳам киритган ғоят катта тажовузкор давлатнинг ташкил топиши бутун Европани туркларнинг бостириб кириш ва пайҳон қилиб ташлашдек жиддий хав-хатар остида қолдирди.

Лекин Европа Туркия масаласида бир фикрга келолмади. Европа давлатларининг бир қисми турклар томонига ўтди. Баъзи бир Ғарбий Европа ҳукуматлари, Европадаги ўз рақиблари бўлган бошқа давлатларга қарши курашда Туркия империясига янги иттифокчи майдонга келди, деб қарадилар. Европада аввало Франция Туркия масаласида ана шундай дўстона мавқени эгаллади, чунки Франция Габсбургларга қарши курашда Туркиядек бир иттифокчига муҳтож эди. XVI асрнинг иккинчи ярмида Яқин Шарқ бозорларини босиб олишга интилаётган Англия ҳам Туркия билан яқинлашмоқчи бўлди.

Туркия империяси 1453 йилда Константинополь шаҳрини босиб олгандан кейин яна кенгая бошлади. Муҳаммад II 50-чи ва 60-чи йилларда Болқон ярим оролида Дунай бўйидаги Сербияни, Боснияни, Герцеговинани ва Албанияни истило қилди. Шунини таъкидлаш жоизки, турклар Албанияни икки марта: дастлаб 1440 йил бошида, иккинчи марта 1468 йилда истило қилдилар. Икки истило ўртасида ўтган даврда албан халқи ўз мустақиллиги

учун тинмай қаҳрамонона кураш олиб борди. 1443 йилда албанларнинг йўлбошчиси Георг Кастриот (Искандарбек) туркларга қарши кураш байроғини кўтариб чиқди. Қўзғолоннинг маркази Круя шаҳри эди. Кастриот 25 йилча Албаниянинг мустақиллигини сақлаб турди. Унинг вафоти (1468 йил) дан кейин, албанларнинг бошқа йўлбошчилари ўртасида бошланган ўзаро низо-жанжаллар натижасидагина турклар бу мамлакатни тамомила истило қилдилар [14, 88-б.].

1470 йиллар бошларида Болқон ярим ороли билан қўшни бўлган Валахия вассал қарам қилиб қўйилди. 70-йилларнинг ўрталарида турклар Қримни ва Тану (Азов) шаҳрини босиб олдилар. Тахминан шу вақтларда турклар Кичик Осиёда Трапезунд шаҳрини, деярли бутун Анатолияни то Фрот дарёсигача истило қилди. Аммо Муҳаммад II икки марта катта муваффақиятсизликка ҳам учради. У Белградни ишғол қила олмади, турклар уни 1456 йилда қамал қилган бўлсалар-да, мақсадларига эриша олмадилар: шунингдек, Родос оролини ҳам ололмадилар, 1480 йилги қамал муваффақиятсиз бўлди.

Муҳаммад II нинг набираси Селим I замонида (1512-1520) туркларнинг истилолари яна бошланди. Селим Эронга қарши қилган ғолибона урушида Кавказorti мамлакатларидан Озарбайжонни, Арманистон ва Грузиянинг бир қисмини, Доғистон ва Қурдистонни истило қилди. Сўнгра Селим Сурия билан Мисрни (1517 йил) босиб олиб, бутун ислом дунёсининг бошлиғи сифатида ўзига халифа унвонини олди. Крит, Кипр ва Ўрта денгиздаги бошқа ерларни ўз қўлида сақлаб қолиш учун Венеция Туркия султониغا ҳар йили катта хирож тўлаб туришга мажбур эди.

Султон Сулаймон I Қонуний даврида (1520-1566) Усманийлар империяси ғоят катта қудратга эришди. Сулаймон подшоҳлик қила бошлаши биланок, Белград ва Родосни босиб олди. Шундан кейин у 1526 йилда Мохач ёнида катта ғалаба қозонди, бу ерда турклар чех ва венгерларнинг бирлашган армиясини тор-мор қилдилар. Венгриянинг катта қисми Туркия вилояти

бўлиб қолди. Валахия билан Молдавия Портага¹ хирож тўлайдиган давлатларга, унга ҳар йили кўплаб пул тўлаб турадиган ва мустақил ташқи сиёсат юритиш ҳуқуқидан маҳрум этилган вассал князликларга узил-кесил айлантирилган эди.

1529 йилда Сулаймон Венани қамал қилди, лекин уни ололмади. Эронга қарши яна бошланиб кетган урушда Сулаймон Бағдод билан бирга Месопотамияни истило қилди. Шу билан бир вақтда турклар Шимолий Африка бўйлаб ғарбга томон силжиб бордилар. Улар Триполи билан Жазоирни ишғол қилдилар. Уч қитъада жойлашган XVI аср Усманийлар империяси илгари Византия империяси билан Араб халифалигига қарашли бўлган ерларнинг ҳаммасини ўз қўл остида бирлаштирди. Ўрта денгизнинг каттагина қисми, Қизил денгиз, Форс кўлиги ҳам султон қўлида эди. Султон ҳар хил ҳинди рожаларининг португал мустамлакачиларга қарши олиб борган курашларига ҳомийлик қилди.

Сулаймон даврида Туркия Европа сиёсатида катта роль ўйнади. Француз қироли Франциск I Габсбургларга қарши Сулаймон билан расмий суратда иттифоқ тузди. 1529 йилда Сулаймоннинг Австрияга қилган юриши Габсбургларнинг Валуага қарши олиб борган «катта уруш»нинг бир ҳалқаси эди. Сулаймон чет эллик савдогарларга имтиёзли савдо ёрлиқлари (капитуляциялар) бера бошлаган биринчи султон эди. 1535 йилда у француз савдогарларига турк сувларида бумалол қатнаш, Туркиянинг ҳамма портларида, озгина бож тўлаш (5%) шарти билан бемалол савдо қилиш ҳуқуқини берди [20, 365 б.].

Турк султонлари истило қилган кўпдан-кўп ҳудудларнинг маъмурий тузилиши Сулаймон вақтида бир хил шаклга солинди. Бутун империя 21 вилоятга бўлиниб, улар ўз навбатида 250 санжақга тақсим қилинди. Ҳар бир

¹ Порта – XVI асрдаёқ Туркия ҳукумати Европадаги расмий дипломатик ҳужжатларда шундай деб аталарди. Бу ном латинча «porta» - «дарвоза», «эшик» сўзидан келиб чиққан. Бу латинча ном ўз навбатида туркча «капу» сўзининг таржимаси эди. Туркия Вазирлар кенгаши мажлис қиладиган сарой биноси ана шундай деб аталарди, кенгаш биноси эса султон қабул маросими ўтказадиган тахтли зал эшиги яқинида жойлашган эди. - Қаранг: Семенов В.Ф. Ўрта асрлар тарихи.- Т.,1973. 588 б.

вилоятнинг тепасида вали, яъни губернатор турар, санжақ бошлиғи эса санжақбе, деб аталарди.

Янги ташкил топган ҳарбий-феодал империя ҳарбий ишларга катта эътибор берди. Сулаймон турк кўшинларининг яничарлар деб аталган имтиёзли қисмини тартибга солган махсус регламент тузди. Яничарларнинг сони 12 мингдан 20 мингга етказилган эди. Улар мунтазам суратда катта маош олиб турар эди. Туркиянинг асосий ҳарбий кучини феодаллар лашкари ташкил этган. Ҳар хил ер эгалари, чунончи, султоннинг леккинлари, йирикроқ ер эгаларидан – зоимлар ва бейлар, улардан майдароқ ер эгалари бўлган тимариотлар ва сипоҳийлар султон чақирган ҳамоно ерларига яраша миқдордаги қуроли деҳқонлари билан биргаликда юришларда қатнашиш учун етиб келишлари лозим эди. Шу тариқа тўпланадиган кўшиннинг сони 250 минг кишига етган [14, 79-80 б.].

Турк деҳқонлари давлатга солиқ тўлаш билан бирга ўз помещчикларига ер ва сув ҳақи, иморат, чорва, тегирмон ҳақи ва бошқа шу сингари солиқлар тўлашлари лозим эди. XVI асрда турк деҳқонларининг аҳволи анча ёмонлашди.

Турк деҳқонларининг аҳволи қанчалик оғир бўлган бўлса, диний эътиқоди жиҳатидан христианларга мансуб бўлиб, истило қилинган маҳаллий аҳолининг аҳволи ундан ҳам оғир эди. Серблар, греклар, болгарлар, валахлар (румунлар) ва бошқа риёлар (мусулмон бўлмаганларнинг ҳаммаси турк давлат тилида шундай деб аталарди) мусулмонларга қараганда давлатга икки барабар кўпроқ солиқ тўлашга мажбур эдилар. Улар мол-мулкининг дахлсизлиги бутунлай таъмин этилмаган эди, ўзлари ҳам доим турк маъмурлари ва ҳарбийларининг ўзбошимчалигидан ва таҳқирлашидан азоб чекар эдилар. Диний расм-одатларнинг ижро қилинишига ижозат берилар экан, бунинг учун христиан аҳолисидан яна қўшимча равишда оғир солиқлар олинарди. Риёлар озгина

норозилик билдирганлари тақдирда, улар устига жазо экспедициялари юборилар ва бу экспедициялар тинч аҳолини талар, ўлдираар эди.

Болқон яриморолидаги халқлар турклар истилоси натижасида қандайдир сунъий бир тўсиқ билан бутун Европадан ажратилганидан турклар зулми шароитида жуда секин ривожланиб бордилар. Савдо-сотиқ ишлари тор доирада олиб борилди ва фақат маҳаллий характердагина эди. Саноат жуда секин ривожланди. Болқон яримороли халқлари (кўпчилиги славян халқлари) бошига ғоят зўр офат бўлиб тушган турклар истилоси натижасида бу халқларнинг юз йиллар давом этган қисмати шу бўлдики, қишлоқ хўжалиги техникаси пастлигича қолаверди, бир қатор вилоятларда натурал хўжалик ҳукмрон бўлиб келди, крепостнойлик муносабатлари сақланиб қолди, маданият турғунликка учради [14, 84-б.].

Турклар томонидан бўйсундирилган Болқон халқлари турклар зулмига индамасдан бўйсунавермадилар. XV аср – XVI асрнинг бошларида Болқон яриморолидаги мамлакатларнинг турклар томонидан забт этилган даврдан бошлаб кейинги асрлар мобайнида Болқон ярим оролидаги мазлум миллатларнинг кураши уларнинг бутун тарихи давомида тўхтамасдан давом этиб келди. Жуда катта армия, кўпдан-кўп мансабдорлар, турк феодал-оккупантларининг бутун бир табақадан иборат ғоят катта мажбур қилиш воситасига таянувчи турклар зулмини ағдариб ташлаш имкониятига эга бўлмаган тобе аҳоли партизанлар урушини олиб бордики, бу уруш аслида XVI-XVII асрлар даврида ҳам, шундан кейинги даврда ҳам мустақил давом этди. Партизанлар тоғлик жойлар шароитидан фойдаланиб ва деҳқон жамоалари мададига таяниб ярим оролда турк ҳукмронлигининг асосларига путур етказдилар, забтчи турклар обрўсини туширдилар, ҳамда турк махмурияти ва турк маҳаллий феодалларининг энг ёвуз вакилларига қарши халқ қасосчилари бўлиб чиқдилар. Партизанлар турли номларга эга эдилар: болгарлар ва сербларда – гайдуқлар, Грецияда – клефтлар, Далмацияда – ускоклар ва ҳоказо деб аталардилар. Партизанларнинг қаҳрамонона кураши

Болқондаги барча халқларнинг турклар ҳукмронлиги давридаги халқ кўшиқларида яққол акс эттирилди. Аммо партизанлик ҳар ҳолда Туркия ҳукмронлигига қарши курашнинг етарли услуби эмас эди, у тарқоқ ва пароканда эди. Туркия маъмурлари партизанларнинг чиқишларига қарши курашнинг ўзларига хос террористик усулларини қидириб топдилар. Ҳар ҳолда партизанлар Болқон яриморотидаги турклар ҳокимиятини ўз кучи билан тугата олмадилар [40].

Турклар зулмига қарши маълум халқлар томонидан олиб борилган курашнинг яна бир шакли – айрим жойларда, кўпинча энг йирик шаҳар пунктларида тез-тез фитналар ва кўзғолон кўтаришга бўлган уринишлардан иборат бўлди. Одатда бу фитналар ва кўзғолонлар четдан бўладиган мададага, яъни Европадаги бирор давлатнинг мададига умид боғлар эди. Австрия кўшинларининг мададидан умидвор бўлган 1594 йилги Баната сербларининг кўзғолони ана шундай энг дастлабки кўзғолон-фитналардан бири бўлди. 1598 йилда Иккинчи Болқон салтанатининг пойтахти Тирновода туркларга қарши катта кўзғолон бўлиб ўтди. Бу кўзғолонга Тирново митрополити Дионисий ва бошқа айрим машҳур болгар боярлари бошилик қилдилар. Кўзғолон кўшни Трансилвания ва Валахия феодаллари томонидан мадад олишни мўлжаллаб кўтарилган эди. Аммо 1594 йилги Баната кўзғолони ҳам, 1598 йилги Тирново кўзғолони ҳам етарли тайёрланмаган бўлиб, муваффақиятсиз тугади [19, 43-44 б.].

XVII асрнинг бошларида айрим турк кўшинларига талафот етказган серблар ва черногорияликлар (1603 йилдаги Крис шаҳри ҳудудидаги серблар кўзғолони, 1604 йилги черногорияликлар ҳаракати) баъзи муваффақиятларни қўлга киритди.

Туркларга қарши кураш жараёнида славян мамлакатларининг ватанпарварлари бир диндаги ва қариндош бўлган халқ - руслар мададига тобора кўпроқ умид боғлай бошладилар. XVI ва XVII асрларда рус давлати қудратининг ўсиши бу умидни айниқса рағбатлантирди. Болгарларда ва

Болқондаги бошқа халқларда руслар эртами-кечми жафо чекаётган Болқон халқларига мадад кўрсатадилар ва уларни турк зулмидан озод қиладилар, деган қатъий ишонч ошиб борди. Болқондаги мазлум халқлар орасида «дядо Иван» (яъни Иван бобо) ҳақида афсонга вужудга келди. Бу образда улар ўзларини туркларнинг оғир зулмидан озод қиладиган рус халқи ва кучли Рус давлатини мужассамлаштирган эдилар [16, 169-б.].

Миллий зулм, мазлум миллатларни доимо бостириб туриш режими жуда катта Туркия империясининг аслида заиф эканини ва беқарорлигини кўрсатди. Туркия империясининг сиёсий тузуми, идора қилиш тизимининг ўзи ҳам унинг зиддиятлар ва ичидан заифлигини XVI асрдаёқ намоён этган эди. Фуқароларнинг бутун ҳаёт-мамотини ўз қўлида тутиб турган султон мустабид ҳокимияти Сулаймон I нинг тахт ворислари вақтида саройдаги ҳар хил феодал партия ва гуруҳларнинг фитначилик қуролига айланди. Янги султон тахтга ўтирар экан, тож-тахтга даъво қилувчи рақиблари қолмасин учун ўзининг барча ака-укаларини қириб ташларди. Сарой ҳаётида фитна устига фитна авжига чиқиб кетар, ва одатда бу фитналарда яничарлар ҳам иштирок қиларди.

Тинмай давом этган урушлар жуда катта харажатларни талаб этарди. Жуда кўп ҳарамхоналари, маҳрамлари, беҳисоб хизматкорлари, жуда катта соқчи отрядлари ва бошқалари бўлган султон саройига ҳам озмунча маблағ сарф бўлмас эди. Туркия империясидаги мамлакатларда солиқлар ҳамиша ошиб борар, аммо аҳолининг ишлаб чиқарувчи кучлари эса жуда секин тараққий этар эди. Шу нарса характерлики, Туркиядаги савдо ва саноат ишлари билан туркларнинг ўзлари эмас, балки султондан имтиёзли ёрликлар олган ғарбий ажнабийлар (асосан француз савдогарлари, XVI аср охиридан бошлаб инглиз савдогарлари ҳам) машғул бўлар, ёки турклар истилосигача саноати тараққий этган ва халқаро савдо-сотик ишларида қатнашган, савдо ишларига моҳир бўлган Яқин Осиё халқлари – греклар, арманлар, сурияликлар машғул бўларди.

Кўпроқ урушлар билан, аҳолидан солиқ тўлатиш билан банд бўлган турк ҳукумати савдо ва саноатнинг ривожланишига ҳамда қишлоқ хўжалигининг юксалишига мутлақо ёрдам бермас эди. Туркларнинг ҳукмрон доиралари мушкул аҳволдан қутулишнинг бирдан-бир йўли янги урушлар, янги хирож ва янги солиқлар олинадиган янги ҳудудларни кўпайтириш керак, деб билди. Аммо Туркиянинг қолоқлиги, унинг ижтимоий ва сиёсий тузумидаги зиддиятлар замон ўтиши билан урушларни унинг ўзи учун хавфли ва натижасиз бир нарса қилиб қўйди. Турклар XV асрда ва XVI асрнинг биринчи ярмида бир қанча ғалабаларга эришгандан кейин, XVI аср охиридан бошлаб, айниқса XVII асрда ўзлари катта-катта мағлубиятларга учрай бошладилар ва бу мағлубиятлар XVII аср охири- XVIII аср бошларида Туркия империяси ҳудудининг анчагина торайиб қолишига сабаб бўлди [18, 363-б.].

Европаликлар билан бўлган урушларда турклар биринчи марта 1571 йилда Лепанто ёнида катта мағлубиятга учрадилар. Бу ерда туркларнинг жуда катта флотини Испания, Венеция ва Рим папасининг бирлашган флоти тор-мор қилган эди. Бундан кейин Туркия венецияликлардан Кипр оролини тортиб олган эди. Аммо бу мағлубият мамлакатнинг ички аҳволига қаттиқ таъсир қилди. XVI асрнинг 70, 80 ва 90-йилларида Туркия кескин ижтимоий-сиёсий инқирозни бошидан кечирди. Мамлакатда давлат солиқларининг ортиши ва феодал тўловларининг кўпайтирилиши муносабати билан деҳқонларнинг бир неча қўзғолони бўлиб ўтди. 1591 йилда кўпчилик вилоятлар султон Мурод III га (1574-1595) қарши бош кўтардилар. Меҳмед III подшолик қилган даврда (1595-1603) доим халқ қўзғолонлари, сипоҳийлар ва яничарларнинг ғалаёнлари бўлиб турди. Пировард натижада саройда бўлиб ўтган тўнтариш натижасида султоннинг ўзи ҳам ўлдирилди [18, 363-364 б.].

XVII аср бошларида Туркия Эронга қарши курашда бир қатор талафотлар кўрди. Эрон шоҳи Аббос I Озарбайжонни, Арманистонни,

Шарқий Грузияни, Қурдистонни, шунингдек, Мосул ва Бағдод шаҳарлари билан Месопотамияни босиб олди. 1619 йилда Истамбул сулҳига биноан турк султони Кавказорти ва Месопотамиядаги даярли ҳамма ерларнинг қўлдан кетганлигини тан олишга мажбур бўлди. Бу ерларнинг бир қисми 1639 йилда қайтариб олинди. Аммо бунга Туркиянинг ўзи кучайганлиги илан эмас, балки кўпроқ Эроннинг заифлашгани сабаб бўлди.

Россия билан Туркия ўртасида биринчи тўқнашув XVI асрнинг иккинчи ярмидаёқ бўлган эди. Султон ҳукумати Тану(Азов)ни босиб олгандан кейин Астраханни ҳам босиб олмоқчи эди. Султон ҳукумати бу ердан Каспий денгизи бўйлаб Эронга қарши қўшин тортиб боришни мўлжаллаган эди. Аммо ҳужум қилиб келган туркларнинг қамалига Астрахан бардош берди (1568 йил). Турклар катта талафотлар бериб чекинишга мажбур бўлдилар [29, 72-73 б.].

Турклар билан руслар ўртасида иккинчи марта жиддий тўқнашув XVII асрнинг 30-йиллари охири ва 40-йиллари бошида бўлган эди. Бу вақтда Запорожье казаклари Азовни (1637 йил) олиб, уни бир неча йилгача қўлда тутиб турдилар («Азовское сидение» - «Азовда ўтириш»). Казаклар ёрдам сўраб Москва подшосига мурожаат қилдилар. Бироқ Москва давлати молия инқирозини бошидан кечираётгани ва Польша қироли билан ҳам кураш давом этиб турганлигидан, туркларга қарши катта уруш бошлаш режасидан воз кечиб туришга мажбур бўлган эди. Подшо Михаил Фёдорович 1643 йилда казакларга Азовни бўшатишни буюрди. Лекин шундай бўлса-да, казакларнинг Қрим ва Туркияга қарши кураши XVII аср охиригача давом этиб турди.

2.2. Усманийлар империясининг пойтахти – Истамбул шаҳри

Турк султонларининг истилочилик юришлари натижасида ташкил топган Усманийлар империяси XVI—XVII асрларда дунёнинг учта қитъасида — Европада, Осиёда ва Африкада улкан ҳудудларни эгаллаган. Ушбу аҳолиси турли-туман қабилалардан ташкил топган, иқлимий шароитлари хилма-хил бўлган, халқларнинг ҳўжалик-маиший турмуши, анъаналари ва урф-одатлари турлича бўлган каттакон давлатни бошқариш ниҳоятда мураккаб иш бўлган. Агар XV асрнинг иккинчи ярмида ва XVI асрда турк султонлари бу муаммони ҳал қилган бўлсалар, муваффақиятнинг асосий сабаблари марказлаштириш ва сиёсий бирликни мустаҳкамлаш сиёсати, яхши ташкил этилган ва тартиб-интизомли ҳарбий машинанинг мавжудлиги, тимар (ҳарбий-мулкӣ) ер эгалиги тизимининг ҳарбий машина билан боғланганлигидан иборат бўлган. Империя куч-қудратини таъминловчи ушбу учта куч нафақат дунёвий, балки диний (руҳоний) ҳокимиятни ўз шахсида мужассам этган султон қўлларида жамланган, чунки султон халифа, яъни барча мусулмон-суннийларнинг руҳоний бошлиғи унвонига эга бўлган.

XV аср ўрталаридан бошлаб то Усманийлар империясининг ҳалок бўлгунига қадар Усманий султонларининг қароргоҳи ва мамлакат пойтахти Истамбул ҳисобланган. Истамбул — давлатни бошқариш тизимининг маркази, ҳокимият олий органлари жамланган пойтахт бўлган.

Усманийлар империяси пойтахти тарихини ўрганган француз тарихчиси Робер Мантран бу шаҳарда Усманийлар давлати ўзига хослиги мужассам этган шаҳарни кўради [40]. «Султон ҳукмронлиги остида бўлган ҳудудлар ва халқларнинг кўпсонлиги ва хилма-хиллигига қарамай, - деб ёзади Р.Мантран, - ўзининг бутун тарихи давомида Усманийлар пойтахти, Истамбул, аввал ўз аҳолисининг космополитик табиати туфайли империянинг тимсоли бўлган бўлса (бирок у ерда турк элементи бош ва

кўпчиликини ташкил этган), кейинчалик бу шаҳар ўзида империянинг маъмурий ва ҳарбий, иқтисодий ва маданий марказининг синтезини ифода этгани туфайли империя тимсолини мужассам этган» [40].

Ўрта асрлар замонасидаги энг кучли давлатлардан бирининг пойтахти бўлиб қолган Истамбул – Босфор қирғоқларидаги қадимий шаҳар ўз тарихи давомида навбатдаги марта жаҳон аҳамиятига эга сиёсий ва иқтисодий марказга айланди. У яна бир бор транзит савдонинг муҳим пунктларидан бири бўлди. XV—XVI асрлардаги буюк географик кашфиётлар жаҳон савдосидаги асосий йўللарни Ўрта ер денгизидан Атлантика океанига кўчирган бўлсада, Қора денгиздаги бўғозлар энг муҳим савдо артериялари, томирлари бўлиб қолаверди.

Истамбул халифалар қароргоҳи сифатида мусулмон дунёсининг диний ва маданий маркази бўлиб қолди. Шарқий христианликнинг собиқ пойтахти эндиликда исломнинг асосий истехкомига айланди. Мехмед II Усманийлар давлати пойтахтини Эдирне шаҳридан Истамбулга фақат 1457/58 йиллар кишида ўтказди. Аммо бундан олдинроқ у деярли бўшаб қолган шаҳарни аҳолига тўлдиришни буюрган эди. Истамбулнинг дастлабки янги аҳолиси Оқсаройдан келган турклар ва Бурсадан келган арманлар бўлишди, сўнг Эгей денгизидagi ороллардан келган греклар ҳам келиб ўрнашдилар.

Янги пойтахт бир неча бор ўлат касаллигидан зарар кўрди. 1466 йилда Истамбулда ҳар куни бу даҳшатли касалликдан 600 киши вафот этарди. Ўликларни ўз вақтида кўмишга улгурмасдилар, чунки шаҳарда соғ одамлар ва ҳатто гўрковлар етишмасди. Мехмед II, бу даврга келиб Албаниядаги юришдан қайтиб, оғир кунларни Македония тоғларида ўтказди. Салкам ўн йилдан кейин шаҳарга бундан ҳам даҳшатлироқ эпидемия хужум қилди. Бу сафал султоннинг бутун саройи Болқон тоғларига кўчиб кетди. Ўлат эпидемиялари Истамбулда кейинги асрларда ҳам бўлиб ўтган. Айниқса 1625 йилдаги эпидемия пайтида ўн минглаб одамлар ўлат касаллигидан вафот этган эди. [40]

Шунга қарамай янги турк пойтахтининг аҳолиси тезлик билан ўсиб борарди. XV аср охирига келиб у 200 минг кишидан кўпроқ бўлди. Бу рақамни баҳолаш учун мисол келтирайлик. 1500 йилда фақат бта Европадаги шаҳарлар 100 мингдан ортиқ аҳолига эга бўлган, булар — Париж, Венеция, Милан, Неаполь, Москва ва Истамбул. Болқон минтақасида Истамбул энг катта шаҳар ҳисобланган. Жумладан, агар Эдирне ва Салоники шаҳарларида XV аср охири — XVI аср бошларида 5 мингтадан солиқ тўловчи хўжалик мавжуд бўлган бўлса, истамбулда XV асрнинг 70-чи йилларида 16 мингдан ортиқроқ бундай хўжаликлар бўлган. [40]

XVI асрга келиб Истамбул аҳолисининг ўсиши суръати янада ўсди. султон Селим I ўз пойтахтига кўплаб валахларни кўчирди. Белградни босиб олгандан кейин Истамбулга жуда кўп ҳунарманд-серблар кўчиб келишди. Сурия ва Мисрнинг истило қилиниши натижасида эса шаҳарга суриялик ва мисрлик ҳунармандларнинг келишига сабаб бўлди. Шаҳар аҳолисининг кейинги ўсиши ҳунармандчилик ва савдонинг тезлик билан ривожланиб бориши билан белгиланди. Бундан ташқари шаҳарда кенг қурилиш ишлари бошланиб, жуда кўп ишчи кучи керак бўлиб қолган эди. XVI асрда Истамбулда 400 мингдан то 500 мингтагача аҳоли истиқомат қиларди.

Ўрта асрлардаги Истамбул аҳолисининг этник таркиби хилма-хил бўлган. Аҳолининг катта қисмини турклар ташкил қилган. Истамбулда Кичик Осиё шаҳарларидан келиб чиққан аҳоли яшайдиган маҳаллалар пайдо бўлган. Бу маҳаллалар ўша шаҳарлар номи билан аталган — Оқсарой, Караман, Чаршамба.

Қисқа вақт ичида шаҳарда туркий бўлмаган аҳоли қатламлари ҳам шаклланган. Булар орасида айниқса греклар ва арманлар кўп бўлишган. Султоннинг буйруғига кўра, янги аҳолига хўжайинлари вафот этган ёки асирлик ва кулликка олиб кетилганларнинг уйлари берилади. Янги кўчиб келганларга ҳунармандчилдик ва савдо-сотиқ билан шуғулланишларини рағбатлантириш мақсадида турли имтиёзлар берилган.

Турк бўлмаган аҳоли орасида греклар кўпчиликти ташкил этган. Улар Морея, Эгей денгизи ороллари, Кичик Осиёдан кўчиб келишган. Грек маҳаллалари черковлар атрофида ва грек патриархи қароргоҳининг атрофида жамланган. Истамбулга православ черковларининг сони 30дан кўпроқ бўлгани ва улар бутун шаҳар бўйлаб тарқалгани туфайли, грек аҳолиси зич яшаётган маҳаллалар Истамбулнинг турли туманларида ва шаҳар атрофида пайдо бўлган. Истамбул греклари савдо-сотиқ, балиқчилик, денгизчиликда ва хунармандчиликда муҳим рол ўйнаганлар. Шунингдек, ичимлик корхоналарининг кўпчилиги грекларга мансуб эди. Шаҳарнинг каттагина қисмини арманлар ва яҳудийлар маҳаллалари ҳам эгаллаган, улар ҳам ўз ибодатхоналари ёнида ўрнашганлар. Шаҳарда синагогагар, арман патриархи ва яҳудийларнинг бош раввини қароргоҳлари бўлган.

Арманлар пойтахтдаги турк бўлмаган аҳолининг сон жиҳатидан иккинчи ўринда турган гуруҳини ташкил этган. Истамбулнинг йирик юк тушириш ва ортиш пунктига айланганидан кейин арманлар халқаро савдо-сотиқда воситачилар сифатида фаол иштирок эта бошлашди. Вақт ўтиши билан арманлар банк ишида ҳам муҳим ўринларни эгаллашди. Ўрта асрлардан бошлаб арманлар Истамбулдаги хунармандчилик ишида кўзга кўринарли рол ўйнаганлар.

Турк бўлмаган аҳоли орасида сон жиҳатидан учинчи ўринда яҳудийлар турган. Дастлаб яҳудийлар Олтин Шоҳ ёнидаги ўнта кварталда истиқомат қилишган. Сўнгра эса эски шаҳарнинг бошқа туманларига ўрнашганлар. Олтин Шоҳнинг шимолий қирғоғида ҳам яҳудийлар маҳаллалари пайдо бўлди. Яҳудийлар анъанавий равишда халқаро савдо-сотиқнинг воситачилик операцияларида иштирок этишган, банк ишида муҳим ўрин эгаллашган [40].

Истамбулда Миср ва Суриядан келиб чиққан араблар ҳам кўп бўлган. Бу ерда кўпчилиги мусулмон бўлган албанлар ҳам истиқомат қилишарди. Турк пойтахтида шунингдек, серблар, валахлар, грузинлар, абхазлар, форслар, лўлилар (циган) ҳам яшаганлар. Бу ерда Ўрта Ер денгизи бўйлари

ва Яқин Шарқдаги деярли барча халқларнинг вакиллари учратиш мумкин эди. Турк пойтахтида европаликлар - итальянлар, французлар, голландлар ва инглизлар ҳам анчагина бўлиб, улар асосан савдо-сотик, врачлик ёки аптека иши билан шуғулланишган. Европаликларни Истамбулда одатда «франклар» деб аташган, бу ном остида Ғарбий Европанинг турли мамлакатларидан келиб Истамбулда ўрнашиб олганлар назарда тутилган.

Истамбулнинг мусулмон ва мусулмон бўлмаган аҳолиси ҳақидаги маълумотлар айниқса динамикада кўрсатилган ҳолда қизиқарлидир. 1478 йилда шаҳарда 58,11% мусулмонлар ва 41,89% мусулмон бўлмаганлар яшарди. 1520— 1530 йилларда бу нисбат деярли худди шундай бўлган: мусулмонлар 58,3%, мусулмон бўлмаганлар 41,7%. Сайёҳлар худди шундай нисбатни XVII асрда ҳам кузатишганликларини ёзиб қолдирганлар. Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Истамбул Усманийлар империясидаги бошқа шаҳарлардан аҳолиси таркиби жиҳатидан фарқ қилган, чунки бошқа шаҳарларда мусулмон бўлмаган аҳоли камчилиқни ташкил этган [40].

Империя мавжуд бўлишининг дастлабки асрларида турк султонлари пойтахт аҳолиси мисолида истилочилар ва бўйсундирилган халқларнинг тинч-тотув яшаши имкониётларини намоиш қилганлар. Бироқ, бу ҳол уларнинг ҳуқуқий мақомларидаги фарқларни йўқолишига олиб келмаган.

XV асрнинг иккинчи ярмида турк султонлари шундай қоидаларни ўрнатишдики, уларга кўра греклар, арманлар ва яҳудийларга тегишли бўлган диний ва айрим фуқаролик ишлари билан (никоҳ ва ажралиш, мулкӣ низолар ва бошқа масалалар) уларнинг диний жамоалари (миллетлар) шуғулланишлари керак эди. Ушбу жамоалар бошлиқлари орқали султон мансабдорлари мусулмон бўлмаган аҳолидан турли солиқлар ва тўловларни йиғиб олишган. Грек-православ ва арман-григориан жамоаларининг патриархлари, ҳамда яҳудийлар жамоасининг бош раввини султон ва мусулмон бўлмаган аҳоли орасидаги воситачи сифатида қўйилган эдилар.

Султонлар жамоалар бошлиқларига хайрихоҳлик кўрсатишар, уларга қавмида садоқат ва итоат руҳини сақлаб туришлари учун ҳақ тўлаш сифатида турли мурувватликлар кўрсатишган.

Усманийлар империясида истиқомат қилаётган номусулмон халқларига маъмурий ёки ҳарбий лавозимларда ишлаш тақиқланган эди. Шунинг учун Истамбулдаги кўпчилик номусулмон аҳоли одатда хунармандчилик ёки савдо-сотик билан шуғулланишган. Фақат бой-бадавлат оилалардан келиб чиққан айрим греклар бундан истисно эдилар. Бой-бадавлат греклар Олтин Шоҳнинг европа қирғоғидаги Фанар кварталида истиқомат қилишар, шунинг учун уларни греклар-фанариотлар дейишарди. Фанариотлар давлат ишида, асосан драгоманлар – расмий таржимонлар лавозимларида хизмат қилишар эдилар [23, 339-б.].

Султон қароргоҳи империя сиёсий ва маъмурий ҳаётининг маркази бўлган. Барча давлат ишлари Топкапа сарой мажмуи ҳудудида ҳал қилинган. Ҳокимиятни максимал равишда марказлаштиришга интилиш шунга ўз ифодасини топган эдики, барча асосий давлат муасасалари султон қароргоҳи ҳудудида ёки унинг ёнида жойлашган эди. Бу билан султоннинг шахси империядаги бутун ҳокимият ўчоғи эканлиги, мансабдорлар эса, хатто энг олийлар ҳам, султон иродасини ижрочилари эканлиги акс эттириларди. Мансабдорларнинг ҳаёти ва мулклари султоннинг иродасига боғлиқ эди.

Топкапанинг биринчи ҳовлисида молия ва архив бошқармаси, танга зарб этиш устахонаси, вақф бошқармаси, арсенал жойлашган эди. Иккинчи ҳовлида султон қошидаги маслаҳат кенгаши – Девон, султон девонхонаси ва давлат хазинаси жойлашган эди. Учинчи ҳовлида султоннинг шахсий қароргоҳи, ҳарами ва шахсий хазинаси жойлашган эди.

XVII аср ўрталаридан биноан Топкапа ёнида барпо этилган саройлардан бири буюк вазирнинг доимий қароргоҳи бўлиб қолди. Топкападан бевосита яқинликда яничарлар корпусининг казармалари қурилган эди. У ерда одатда 10 минг нафардан то 12 минг нафаргача

яничарлар жойлаштирилган. [40]

Султон “кофрларга” қарши муқаддас урушда барча ислом жангчиларининг олий йўлбошчиси (пешвоси) ва бош қўмондони ҳисоблангани учун, турк султонларининг тахтга чиқиш маросими “белга қилич боғлаш” одати билан бажариларди. Мазкур ўзига хос тож кийдириш маросимига бора туриб, янги султон Олтин Шоҳ бўғози қирғоғида жойлашган Эйюба мачитига етиб келарди. Бу мачитда мавлави дарвишлари орденининг шайхи янги султон белига тилларда дoston бўлган Усмоннинг қиличи билан боғлаган. Ўз саройига қайтиб келган султон яничарлар казармалари ёнида анъанавий шарбатдан бир коса ичарди. Шарбатни у олий яничарлар қўмондонларидан бирининг қўлидан оларди. Ичиб бўлганидан сўнг косани тилло тангалар билан тўлдирарди ва яничарларни “кофирларга” қарши курашишга доим тайёр эканлигидан ишонтириб, султон яничарлар қўшинига ўз хайрихоҳлигини кўрсатарди.

Султоннинг шахсий хазинаси, давлат хазинасидан фарқли ўлароқ, ҳеч қачон маблағ етишмаслигини билмаган. У доимий равишда турли йўллар ва усуллар билан – Дунайдаги вассал князликлари ва Мисрдан келаётган ўлпонлар билан, вақф муассасаларидан олинадиган даромадлар билан, туганмас тухфалар ва совғалар билан тўлдиртириб турилган.

Султон саройини таъминлаш учун мисли кўрилмаган маблағлар сарф қилинарди. Сарой хизматкорлари бир неча мингта бўлган. Сарой мажмуида 10 дан ортиқ одам яшаб, овқатланарди. Булар орасида сарой аъёнлари, султон хотинлари ва канизаклари, ҳарам оғалари, хизматкорлар, сарой кўриқчилари кирарди. Айниқса сарой аъёнлари сони жуда кўп бўлган. Бу ерда нафақат одатдаги сарой мансабдорлари - дастурхончи ва калитчи, чойшабчи ва миришкор қушчи, жиловдор ва овчилар бор эди, балки бош сарой мунажжими, пўстин ва салла сақловчи, ва хатто султон тўтиқуши ва булбулини кўриқловчилар ҳам бор эди.

Мусулмон анъанасига мос равишда султон саройи эркаклар ва аёллар

ярмидан (ичкари ва ташқари) иборат эди. Эркаклар ярмида султоннинг бўлмаси ва қабулхонаси, барча расмий хоналар жойлашган. Аёллар ярми эса ҳарамдан иборат бўлган. Саройнинг бу қисми ҳар доим қора танли ҳарам ходимлари томонидан қўриқланарди. Уларнинг бошлиғи “қизлар оғаси” унвонига эга эди ва сарой аъёнлари ичида олий мансабдорлардан бири ҳисобланарди. У нафақат ҳарам ҳаётидаги барча ишларни бошқарарди, балки султоннинг шахсий хазинасига ҳам қараб турарди. Шунингдек, у Макка ва Мадинадаги вақфларни ҳам бошқарарди. Қора танли ҳарам ходимларининг бошлиғи, яъни қизлар оғаси султонга яқинлаштирилган шахс бўлиб, унинг ишончини қозонган ва катта ҳақ-ҳуқуқларга эга бўлган. Вақт ўтиши билан ушбу шахснинг таъсири шу қадар кучайдики, хатто унинг фикри империядаги энг муҳим ишларни ечишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб қолди. Бир қатор буюк вазирлар қоратанли қизлар оғасининг маслаҳати туфайли ўз мансабидан озод қилинган эди. Айрим вақтларда эса қизлар оғасининг ўзи ҳам султон ғзабига учраган.

Ҳарамдаги энг биринчи шахс султоннинг онаси (валиде-султон) бўлган. Султоннинг онаси вафот этганда султоннинг энг катта хотини валиде-султон бўлган. У сиёсий ишларда ҳам катта рол ўйнаган. Умуман олганда ҳарам ҳар доим саройдаги фитналарнинг жамланган жойи ҳисобланган. Кўплаб Вообще гарем всегда был средоточием дворцовых интриг. Нафақат олий мансабдорларга қарши, балки султоннинг ўзига қарши қаратилган кшплаб фитнаю суиқасдлар айнан ҳарам деворлари орасида бошланган ва уюштирилган.

Султон саройидаги ҳашаматлилик нафақат ҳукмдорнинг ўз аъёнлари кўзларида буюклиги, маҳобати ва улуғворлиги акс эттирилиши керак эди, балки Усманийлар империяси дипломатик муносабатлар ўрнатган хорижий давлатлардан келган элчи ва вакиллар кўзларида ҳам унинг салобтини кўрсатиб туриши лозим эди.

Турк султонлари чексиз ҳокимиятга эга бўлган бўлсалар-да айрим

ҳоларда уларга қарши ҳам фитнаю суиқасдлар уюштирилар эди ва улар бу сарой фитналарининг қурбонлари бўлишар эдилар. Шунинг учун султонлар ҳар доим ўзларини турли хавф-хатардан сақлаб туриш мақсадида, шахсий кўриқчилар орасида юрар эдилар. Боязид II ҳукмронлиги даврида қабул қилинган қарорга кўра, қуролланган одамларга султоннинг олдида яқинлашиши тақиқланган. Мехмед II ворислари даврида эса ҳар қайси шахс султон ёнига фақат уни қўллари тагидан ушлаб олган иккита кўриқчи билан келиши мумкин эди. Султонни заҳарлаш имкониятини барт араф қилиш мақсадида, ҳар доим тегишли чоралар кўрилган эди [40].

Ака-укалар томонидан бир-бирини ўлдириши Усманийлар сулоласида Мехмед II даврида қонунлаштирилган бўлиб, XV ва XVI асрлар давомида ўнлаб шахзодалар султонларнинг иродаси ва буйруғига кўра чақалоқлик пайтидаёқ ҳаётдан маҳрум қилинган. Бироқ ҳатто ушбу шафқатсиз қонун ҳам турк монархларини саройдаги фитналардан четлата олмасди. Султон Сулаймон I подшоҳлиги даврида унинг 2 та ўғли, Боязид ва Мустафо, ҳаётдан маҳрум қилинди. Бу воқеалар сулаймоннинг севиқли хотини Роксолананинг фитнаси эди. У ана шундай шафқатсиз усул билан ўз ўғли Селим учун тахтга сари йўл очиб берган эди.

Султон номидан мамлакатни буюк вазир бошқариб турарди. Унинг қароргоҳида энг муҳим маълумий, ҳарбий, молиявий ва ҳўжалик ишлари кўриб чиқилар ва ҳал қилинарди. Ўз диний ҳокимиятини амалга оширишни султон Шайх-ул ислом зиммасига юклатган эди. Шайх ул ислом империянинг олий мусулмон руҳоний шахси ҳисобланарди. Ушбу иккала олий мансабдорларга султон бутун дунёвий ва диний ҳокимиятни тўлиғича берган бўлса-да, давлатдаги амалий ҳокими ят унинг яқин аъёнлари қўлида жамланган эди. Бир неча марта давлат ишлари валиде-султон бўлмасида, унга яқин бўлган сарой амалдорлари доирасида ҳал қилинган.

Саройдаги ҳаётнинг мураккаб вазиятларида энг муҳим роллардан бирини яничарлар ўйнаганлар. Яничарлар корпуси бир неча юзйилликлар

давомида туркларнинг доимий қўшинининг асосини ташкил этиб, султон тахтининг энг мустаҳкам таянчларидан бири ҳисобланган. Султонлар яничарлар қалбини сахийлик ва мурувватлилик билан қозонишга ҳаракат қилишарди. Хусусан бир одатга кўра, тахтга чиқиш пайтида султон яничарларга совға бериши лозим эди. Бу одат вақт ўтиши билан султонларнинг яничарлар корпусига кўрсатган химматининг кўриниши бўлиб қолди. Вақт ўтиши билан яничарлар преторианлар гвардиясига ўхшаб кетишди. Улар деярли барча сарой тўнтваришларида биринчи рол ўйнашган. Султонлар яничарларга ёқмаган олий мансаддорларни лавозимларидан олиб ташлаганлар. Истамбул шаҳрида яничарлар корпусининг учдан бир қисми, яъни 10 минг кишидан то 15 минг кишигача жойлаштириган. Вақти-вақти билан пойтахтни исёнлар ва кўзғолонлар вужудга келиб, одатда яничарлар казармаси ёни да вужудга келган.

2-бобга хулоса

Туркияда Усманийлар давлати 1453 йилда Константинополь шаҳрини босиб олгандан кейин империя деб атала бошлади. Муҳаммад II 1450 ва 1460-йилларда Болкон ярим оролида Дунай бўйидаги Сербияни, Боснияни, Герцеговинани ва Албанияни истило қилди. Болкон ярим ороли билан қўшни бўлган Валахия вассал қарам қилиб қуйилди. 1470-йилларнинг ўрталарида турклар Қримни ва Тану (Азов) шаҳрини босиб олдилар. Тахминан шу вақтларда турклар Кичик Осиёда Трапезунд шаҳрини, деярли бутун Анатолияни то Фрот дарёсигача истило қилди. Аммо Муҳаммад II икки марта катта муваффақиятсизиликка ҳам учради: у Белградни ишғол қила олмади, турклар уни 1456 йилда қамал қилган бўлсалар-да, мақсадларига эриша олмадилар; шунингдек, Родос оролини ҳам ололмадилар (1480 йилги муваффақиятсиз бўлди).

Муҳаммад II нинг набираси Салим I замонида (1512-1520) туркларнинг истилолари яна бошланди. Салим Эронга қарши қилган ғолибона урушида Кавказorti мамлакатларидан Озарбайжонни, Арманистоннинг ва Грузиянинг бир қисмини, Доғистон ва Курдистонни истило қилди. Сўнгра Салим Сурия билан Мисрни (1517 йил) босиб олиб, бутун ислом дунёсининг бошлиғи сифатида ўзига халифа унвонини олди.

Крит, Кипр ва Ўрта ер денгиздаги бошқа ерларини ўз қўлида сақлаб қолиш учун Венеция Туркия султонига ҳар йили катта хирож тўлаб туришга мажбур эди.

Сулаймон даврида Туркия Европа сиёсатида жуда катта роль ўйнади. Сулаймон чет эл савдогарларига имтиёзли савдо ёрлиқлари бера бошлаган биринчи султон эди. Сулаймон ўзининг қонунлар тўпламини («Қонунномаи Сулаймоний»сини) қолдириб кетди. Бу қонунномага 1566 йил санаси қуйилган. XVI асрда Туркиянинг ички тузилиши қандай бўлгани ҳақида маълумотлар киритилган. Турк султонлари истило қилган кўпдан-кўп ҳудудларнинг маъмурий тузилиши Сулаймон вақтида бир хил шаклга солинди. Бутун империя 21 вилоятга бўлиниб, улар ўз навбатида 250 санжак (район)га тақсим қилинди. Усманийлар империясининг пойтахти Истамбул шаҳри бўлиб, ўрта асрлар дунёсидаги энг катта шаҳарлардан бири ҳисобланган.

Туркларнинг Константинополни истило қилиши Марказий ва Шарқий Европа учун, шу жумладан, славян мамлакатлари учун ҳам айниқса катта сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Усманий турк султонлари истило қилган кўпдан-кўп ҳудудларнинг маъмурий тузилиши Сулаймон вақтида бир хил шаклга солинди. Бутун империя 21 вилоятга бўлиниб, улар ўз навбатида 250 санжақга тақсим қилинди. Ҳар бир вилоятнинг тепасида вали, яъни губернатор турар, санжақ бошлиғи эса санжақбе, деб аталарди. Янги ташкил топган ҳарбий-феодал империя ҳарбий ишларга катта эътибор берди.

XVI аср бошларида Европа ва Осиё туташган жойда ўзининг таркибига Мисрдан тортиб то Испаниягача барча шимолий Африка соҳилини ҳам киритган ғоят катта тажовузкор давлатнинг ташкил топиши бутун Европани туркларнинг бостириб кириш ва пайҳон қилиб ташлашдек жиддий хав-хатар остида қолдирди.

XVII асрнинг иккинчи ярмида Туркиянинг Австрияга, Венецияга ва Россияга қарши олиб борган урушларида мағлубиятга учраши Усманийлар империясининг ичидан заифлигини ва ҳарбий жиҳатдан қолоқлигини бутун Европага намоён қилди. Европа давлатлари орасидаги рақобат, уларнинг султон билан сепарат битим тузишга интилишлари туфайлигина Туркия ўзининг ҳақиқий сиёсий қудратига мутлақо мос келмайдиган кенг ҳудудда узоқ вақтларгача яшаб туриш имкониятига эга бўлди. Европанинг «буюк давлатлари» (биринчи навбатда Англия билан Франция) Туркия империясини тугатиш ва турклар зулми остида эзилиб ётган славян халқлари ва Болқон ярим ороли билан Олд Осиёдаги бошқа халқларини озод қилиш ўрнига, Туркияни асоратга солишни, ўзларининг ярим мустамлакаларига ва сиёсатларининг қуролига айлантиришни назарда тутиб, иқтисодий жиҳатдан қолоқ Туркия империясини сақлаб қолишни афзал кўрдилар.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

XIV аср охирига келиб Туркияда Усманийлар империясининг тўртинчи султони Боязид I Йилдирим ҳукм сурган эди. У 1389-1402 йилларда ҳукмронлик қилган. Унга отаси султон Муроддан қатъий марказлашган давлат, қудратли армия мерос қолган эди. У кенг тармоқли бошқарув ва маъмурий тизимга эга бўлиб, византия қонун-қоидаларига таяниб иш кўрарди. Боязид I турк султонларидан биринчи бўлиб кучли ҳарбий флотни туза бошлади. Бу флот ёрдамида у денгизда ҳам истилочилик юришларини амалга оширишни кўзлаган эди.

Ҳокимиятни кўлга киритгач, отасидан қолган кўпсонли ва яхши ташкил этилган кўшинга раҳбарлик қила бошлади. Боязид I отасининг Болқондаги ва Осиёдаги истилоларини давом эттиришга қарор қилган.

Усманийлар султони Боязид Йилдирим ҳеч қандай шон-шухратсиз, асирликда вафот этган бўлса-да, Усманий турклар империяси тарихида Сербия, Византия империяси, Болгария, Македония, Фессалия, Босния ва грек ерларини ўзига бўйсундирган буюк саркарда сифатида қолди. Унинг фаолияти натижасида Усманийлар империяси бу мамлакатлар устидан деярли уч юз йил (уч аср) ҳукмронлик қилди.

XV аср бошларида Туркия давлати инқирозга юз тута бошлади. Туркия давлатининг кенгайиши Темур хужуми муносабати билан вақтинча тўхтаб қолди.

Кейинги йилларда Боязиднинг ўғиллари ўртасида султонлик тахти учун қуролли кураш бўлди. 1415-1418 йилларда Кичик Осиёда (Анталиа - Анатолияда) турк деҳқонларининг кўзғолонлари юз берди. Буларнинг ҳаммаси турклар эътиборини Византиядан четга тортди. Аммо Туркия давлатининг сиёсий инқироzi муваққат инқироз эди. Туркияда бирор-бир жиддий янги ташқи душман йўқ эди. Византия аввалгидек кучсиз давлат

бўлиб қолаверди. XV асрнинг 20-йилларида турклар яна қадларини ростлаб олдилар. Улардаги ички низолар барҳам топди.

Усманийлар экспансиясига қадар Болқон яриморолида бир нечта мустақил давлатлар ва князликлар мавжуд эди. Улардан энг йириклари Византия, Сербия, Болгария, Босния бўнанд. Жанубий-Шарқий Европанинг феодал ҳукмдорлари доимий равишда ўзаро урушлар олиб боришган. Ўзаро рақобат ва ички низолар Болқон давлатларини заифлаштирарди, оғир феодал зулм эса деҳқонлар ва шаҳар қуи табақаларининг норозилигини келтириб чиқарарди. Давлатлараро ва табақалараро курашнинг кескин тус олиши шароитида усманий туркларнинг истилочилик юришларига қарши курашиш умумхалқ характериға эға бўлолмас эди. Халқ оммаси чиқишларидан кўрққан Болқон ҳукмдорлари ёлланма сарбозларға таянардилар. Улар хатто Онатўли бейликларидаги ҳукмдорлар билан шартнома тузиб, уларнинг сарбозларини таклиф этардилар [14, 76-б.].

Болқондаги дастлабки истилолаларни Византия тахтиға даъвогарларнинг иттифоқчиси бўлган Усманий турклари 1353-1357 йилларда амалға оширганлар. Жанубий-Шарқий Европадаги мураккаб сиёсий вазиятдан фойдалана олиш натижасида, улар кейинги 30 йил давомида яриморолнинг катта қисмини эгаллаб олишға муваффақ бўлдилар. Ўз пойтахтларини Кичик Осиёдан Болқонға – Адрианополға (Эдирне) кўчиришди. Константинополни орқада қолдириб, турк кўшинлари шимолға Сербияға қарши ҳаракат қилишди. Косово майдонида 1389 йилда хал қилувчи жанг бўлиб, унда серб ва боснияликларнинг кўшини мағлубиятға учради. Сербия давлати ўз мутақиллигини йўқотди ва Туркия томонидан бўйсундирилди.

1393 йилда усманий турклар Болгария пойтахти бўлган Тирновони қўлга киритишди, 1396 йилда эса Никополда венгрлар, валахлар болгарлар ва европалик рицарларининг 60 мингға яқин кишидан иборат бирлашган кўшинларини тор-мор келтиришди. Болқондаги Усманийлар Туркиясининг

экспансияси Болқон мамлакатларини иқтисодий тушкунликка учратди. Босқинчилар маҳаллий маданият ўчоқларини ер билан яксон қилишди, Болқон яриморолини қўшни Европа давлатларидан сунъий тўсиқ билан ажратиб олишди. Жанубий-Шарқий Европада Усманийлар империяси ҳукмронлигининг ўрнатилиши болқон халқлари тарихида орқага силжиш бўлди, деса муболаға бўлмайди.

Болқондаги Усманийларнинг экспансияси давлат таркибига истилочи турклардан ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш даражаси билан мутлақо фарқ қилган халқларнинг киритилишига олиб келди. Султон аъёнлоари ўртасида иқтисодий ва ижтимоий алоқаларнинг йўқлиги нафақат ҳарбий кучга, балки исломга таяниб иш кўришга мажбур қилган эди. Шунинг учун мусулмон динини ёйишга катта аҳамият берилган эди. Жанубий-Шарқий Европа ҳудудларида аҳолини исломлаштириш ҳам мажбурий олиб борилган эди, ҳам кўпсонли диний-маданий марказлар барпо этишга ҳам эътибор берилди.

Маълумки, Болқон яримороли XV асрнинг охирларидаёқ Туркия ҳукмронлиги остига тушиб қолди. Денгиз бўйидаги Зета вилояти сербларининг бир қисмигина, яъни черногорияликлар деб ном чиқарган сербларгина ўз мустақиллигини сабот билан ҳимоя қилаверди.

XVI асрнинг биринчи ярмида Усманий ҳукмдорлари ўз салтанатлари чегараларини Европа, Осиё ва Африкада босиб олган ҳудудлар эвазига кенгайтиришга муваффақ бўлишди. Бироқ ушбу муваффақиятлар уларга осонликча берилмади, уларга эришиш учун империянинг барча кучларини жамлаш талаб қилинди.

XVI асрнинг иккинчи ярмида Усманийлар империясининг юқори доиралари кенг миқёсда босқинчилик сиёсатини давом эттиришди. Бироқ янги урушлар муваффақиятларни келтирмай қўйди.

Ўзгариб бораётган шароитларда Усманийлар империясидаги сиёсий ва иқтисодий институтларнинг самарадорлиги кескин пасайди. Давлат

аппаратида турли даражадаги мансабдорлар орасида сотқинлик, порахўрлик, хазинани нест-нобуд қилиш холлари тарқлиб борди. Марказда ҳам, провинцияларда ҳам маъмурий тузум ва бошқарув инқирозда учраб, тушкунлик сари юз тута борди.

Эндиликда ўзининг ижтимоий-иқтисодий қолоқлиги туфайли Туркия империяси Европанинг аграр – хом ашё базасига айланишга мажбур бўлди. Англия, Франция, Австрия ва бошқа давлатларнинг Усманийлар империясидан олиб чиқиладиган маҳсулотлар ипак хом ашёси, жун, тери, уруғлар, табиий бўёқлар, зайтун ёғи, тамаки, дон, ёнғоқ, опиумдан иборат эди.

Турклар ярим орол ҳудудида нотекис ўрнашди. Бир талай турклар яриморолнинг шарқий қисмида – Эгей денгизининг соҳилида, Францияда ўрнашиб қолди. Яриморолнинг ғарбий қисмида - Ғарбий Болгарияда, Сербияда турк аҳолиси анча сийрак эди. Яриморолнинг ғарбий қисмида турклар шаҳарларга кўчиб бориб жойлашди, яриморолнинг шарқий қисмида эса турклар яшайдиган қишлоқлар ҳам вужудга келди. Славян аҳоли шаҳарлардан сиқиб чиқарилди, бундай шаҳарлар аҳолисининг таркиби жиҳатидан ё нуқул турк шаҳарларига, ёки турклар кўпчиликини ташкил этган шаҳарларга айланди.

Истилочи турклар Болқон мамлакатларига на илғор техникани. на илғор ишлаб чиқарувчи кучларни, на илғор маданиятни келтирмади. Турклар славян халқларининг ҳукмрон доираларини қисман қириб ташлади, қисман сиқиб чиқарди. Феодал табақасининг бир қисмигина мусулмон бўлди ва шу йўл билан ўз ер-сувларини сақлаб қолди.

Бугунги кунда Туркия Европа Иттифоқига аъзо бўлиш учун ҳаракат қилмоқда. Бироқ унда сақланиб қолган патриархал-феодал муносабатлар, олдинги асрларда олиб борган сиёсати оқибатлари туфайли кўпчилик Европа мамлакатлари унинг номзодини қувватламадилар. Айниқса, Болқон мамлакатларида Туркиянинг янги даврда олиб борган истилочилик юришлари

ва исломлаштиришга уринишлари ҳануз хотирада сақланиб келмоқда. Турк яничарларига қарши курашган сиймолар халқ қаҳрамонлари даражасига кўтарилган. Шунга қарамасдан, Туркия ривожланиш ва демократлаштириш сари шахдам қадам ташлаб бормоқда.

Тавсиялар.

Янги аср кишиларда фаоллик билан мустақил иш олиб бориш, тезкорлик билан қарорлар қабул қилиш, ўзгарувчан ҳаёт шароитларига мослашишни талаб этмоқда. Шу боис ҳам таълим тизимида биринчи навбатда дарс бериш фаолиятига эмас, аксинча, ўрганиш, таълим олиш фаолиятига бирламчи эътибор қаратилмоқда. Анъанавий таълимда ўқитувчи (ёки дарслик) асосий билим манбаи, шунингдек билиш жараёнининг назоратчиси бўлган бўлса, шахсга мўлжалланган таълимда ўқитувчининг вазифаси талабаларнинг мустақил билим олиш фаолиятини ташкил этиш, уларнинг ўқув фаолиятини йўналишга солиб, аниқлаб боришдан иборат бўлмоқда. Айнан шу вазифаларни бажариш бугунги кунда мамлакатимиз таълим тизимида жорий қилинаётган янги педагогик технологияларда ўз аксини топмоқда. Албатта, ушбу янги таълим технологияларини кенг жорий этиш, талабаларнинг фаоллик билан ўқиш ва муаммоларнинг мустақил равишда ечимини излаш ҳамда талабаларнинг ўз имкониятлари доирасида нималарга қодир эканликларини тўла шакллантиришга катта имкониятлар беради.

Янги педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари бугунги кунда ижтимоий фанларни ўқитишда ҳам самарали фойдаланилмоқда. «Ўрта асрлар тарихи». «Янги тарих» фанларидан машғулотлар ўтказишда турли интерфаол усуллардан фойдаланиш талабалар билимини янада мустаҳкамлашга, машғулотнинг қизиқарли ўтишига хизмат қилади. Бундай усуллар қаторига «Ақлий ҳужум», «Муаммоларни ҳал қилиш», «Галереяни айланиш», «Академик мунозара», «Қорбўрон», «Кластер», «Конкурс» каби усуллар киради. Жумладан, «Усманийлар империясининг Болқондаги истилолари» мавзусини ўрганишда интерфаол методлардан «конкурс»

услугидан фойдаланиш мумкин. Мазкур услубнинг асосий хусусияти шундаки, бунда ўқитувчи «кичик гуруҳлар»дан фарқли равишда бутун гуруҳ билан иш олиб боради. У қандай бўлмасин, тугалланган «модул» бўлимига доир машғулотларни умумлаштиришда ёки оралиқ назоратнинг босқичларидан бирини ўтказиш усули сифатида қўл келади. Метод талабалар билимларини баҳолашда бир эмас, балки бир неча педагог иштирок этишини талаб этади. «Конкурс» методи талаба нутқини ривожлантиради, у ўз фикрини ҳимоя қилиш, конкурс қатнашчиларининг жавобларини таҳлил қилишни ўрганади. Ўрганаётган мавзулардан тегишли муаммоли савол, мустақил иш топшириқлари, назорат топшириқлари, тестлар тузилади ва талабаларга тайёргарлик кўриш тавсия этилади.

Мавзулар юзасидан муаммоли саволлар тузилиб, карточкаларга киритилади ва «конкурс» пайтида «кичик гуруҳ» сардорларига тарқатилади. Умуман «конкурс» методини «Заковат» ўйини қоидаларига ўхшатиб ўтказиш ҳам мумкин. Бунда машғулот очик дарс сифатида ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. «Заковат» ижодий-амалий дарснинг бир кўринишидир. Мазкур ўйин-мусобақани видеоконференцзалда бошқа олий ўқув юрти талабалари билан ўтказиш ҳам мумкин. Бироқ бундай дарсга тайёргарлик кўриш мураккаброқ бўлади. Шундай бўлса-да, барчаси ўқитувчиларимизнинг ахборот-коммуникатив технологиялари сир-асрорларидан хабардор бўлишига боғлиқдир.

«Ўрта асрлар тарихи» ёки «Янги тарих» фанидан «Усмонийлар империясининг истилолари» мавзусини ўтишда семинар машғулотида интерфаол услубидан фойдаланиш тавсия этилади. Усмонийларнинг Болқондаги истилоларини ёритувчи мавжуд адабиётлар ва манбалар, ИНТЕРНЕТ маълумотлари асосида ҳар бир Болқон ярим оролидаги мамлакатнинг Усмонийлар Туркияси зулми остига тушиши ҳақида маълумот бериш топшириғи маъруза ўқилгандан сўнг уйга вазифа, яъни мустақил топшириқ сифатида тайёрланиб келиш учун талабаларга берилади. Талабалар

тегишли манбаларни, ИНТЕРНЕТ маълумотларини таҳлил қилиб, семинар машғулотида ўзлари топган маълумотлар билан ўртоқлашадилар. Дарс жараёнида Туркиянинг Болқондаги истилолари, Жанубий-Шарқий Европадаги мазлум славян халқларнинг туркларга қарши кураши ҳақида фикр алмашишни ҳам ташкил этиш мумкин. Бунда ўқитувчи олдиндан тайёрлаб қўйган саволлари асосида «ақлий ҳужум» услубини қўллаб, талабалар томонидан мавзунинг ўзлаштирганлик даражасини текшириб олиши мумкин. Мавзуни мустаҳкамлаш учун дарс охирида тест ўтказилади.

Бундан ташқари, «кластер» интерфаол усулида семинар дарсини ташкил этиш мумкин. Аудиторияда талабалар 3 қаторга тенг ҳажмда ўтириб, 3та гуруҳни ташкил этадилар. Ҳар бир гуруҳга битта чизма устида «кластер» асосида иш олиб бориш топшириғи берилади. Масалан «Усманийлар империясининг давлат тизими»да асосий ибора «марказий бошқарув» бўлиб, очқичлар «ҳарбий бошқарув», «сарой амалдорлари», «диний бошқарув» ҳисобланади. Талабалар ҳар бир очқич иборалар учун таянч тушунчаларни топиб уларни изоҳлаб беришлари керак.

Хуллас, семинар машғулотлари кўргазмалилик асосида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиб ўтказилса, билимлар мустаҳкамланишига ва талабалар қизиқишини оширишга эришилади. Бунинг учун тарих фани ўқитувчилари учун доимий равишда ўтказиладиган янги педагогик технологияларни дарс жараёнида қўллаш бўйича тажриба алмашишга йўналтирилган амалий семинар ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ бўларди. Айниқса, ёш ўқитувчиларни ахборот-коммуникатив технологияларни қўллаган ҳолда маъруза ва семинар машғулотларини ўтишга кўникма ва малакаларини шакллантириш зарур. Зеро, XXI аср – интеллектуал ёшлар асри экан, уларни энг янги технологиялардан фойдаланишга қизиқтириб, машғулотларнинг жаҳон талабларига мос равишда ўтказилишига эришиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I . И.Каримов асарлари, тарихий манбалар

1. Каримов И.А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз.// Туркистон. 1999 йил 2 феврал
2. Ибн Арабшоҳ. «Амир Темур тарихи». Т. «Меҳнат», 1992
3. Гийасаддин Али. Дневник похода Тимура в Индию. – М., 1958
4. Мирхонд. Равзат ус Сафо. Ҳ.Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти фонди. №4141. 174 а варақ
5. Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т. «Ўзбекистон», 1996
6. Шарафиддин Али Яздий. «Зафарнома». Т. «Шарқ». 1997

II. Дарсликлар, монографиялар, рисоалар

7. Аҳмедов Б. Амир Темур (тарихий роман) – Т.,1995
8. Арш Г.Л. Тайное общество «Филики этерия». Из истории борьбы Греции за свержение османского ига.- М.,1965.
9. Виноградов В.Н. История Румынии нового и новейшего времени.- М.,1964
10. Гордлевский В.А. Государство Сельджукидов в Малой Азии. – М., 1960
11. Жаҳон тарихи. Т.:Ўқитувчи, 1996
12. Жигарев С. Русская политика в восточном вопросе (ее история в XVI-XIX вв, критическая оценка и будущие задачи) // Историко-юридические очерки. Т.1-2. –М., 1976
13. История стран зарубежной Азии в средние века.- М.:Наука, 1970
14. История стран Азии и Африки в средние века. Ч.2. – М.,1987
15. История Югославии. Т.1. – М.,1968
16. История Европы. Т.2. – М.:Владос, 1998.

17. История Турции. – М.:Наука, 1993.
18. Кинросс Л. Расцвет и упадок Османской империи (Ottoman Centuries: The Rise and Fall of the Turkish Empire). — М.: Крон-Пресс, 1999
19. Косев Д. Новая история Болгарии. Курс лекций.- М.,1952
20. Новая история.- М.:Высшая школа, 1972
21. Новичев А.А. История Турции. Т.1. Эпоха феодализма (XI-XVIII вв.).- Л., 1963
22. Палеолог Г., Сивинс М. Исторический очерк народной борьбы за независимость Греции.- СПб.,1997
23. Петросян Ю.А. Османская империя. Могущество и гибель.- М.:Наука, 1990.
24. Разин Е.А. История военного искусства. Т.П.- М., 1957
25. Рансимен С. Падение Константинополя в 1453 году. – М.:Наука 1983
26. Семенов В.Ф.История средних веков. – М., 1985
27. Семенов В.Ф. Ўрта асрлар тарихи.- Т.:Ўқитувчи, 1973
28. Семенов В.Ф. Ўрта асрлар тарихи. – Т., 1987
29. Смирнов Н.А. Россия и Турция в XVI-XVII веках.- М,1946
30. Умняков И. Из истории международных отношений Средней Азии с западной Европой в начале XV в. – М., 1960.
31. Якубовский А.Ю. Тимур. – М., 1963.
32. Янги тарих. – Т.:Ўқитувчи, 1971

III. Газета ва журнал мақолалари, Интернет сайтлари.

33. Жўраев Н. Тарихий дунёқараш ва тарих фалсафаси. // Туркистон. 2006 йил 21 март
34. www.krugosvet.ru
35. www.bankreferatov.ru
36. www.varvar.ru

37. www.ziyonet.uz
38. www.wikipedia.ru
39. www.world-history.ru
40. www.ostu.ru

ИЛОВА

ЎРТА АСРЛАР ТАРИХИДАН ОЧИҚ ДАРС

Дарс мавзуси: «Усмонийлар империяси XIV-XVI асрларда»

Дарс мақсадлари:

1. Ўқувчиларга усмоний туркларнинг ҳарбий муваффақиятлари сабабларини тушунтириш
2. Усмонийлар империяси ҳукмдорлари ҳақида маълумот бериш
3. Усмонийлар империяси қулаши сабабларини очиб бериш.
4. Матн билан ишлаш, матнда асосий ва ўзига хос ажрата олиш кўникмаларини ривожлантириш
5. Матнга саволлар тузиш, матн бўйича саволларга жавоб бериш, фикр юритишга ўргатиш
6. Ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш, ўзаро бир-бирларини тушунишга интилиш туйғуларини ривожлантириш

Дарс тури: янги материални тушунтириш.

Дарс шакли: Гиперматн билан ишлаш.

Технология: муаммоли-ривожлантирувчи ўқитиш.

Воситалар:

1. гиперматнлар «Усмонийлар империяси 14-16 асрларда».
2. Деворий ёки электрон харита «Усмоний туркларнинг 14-15 асрлардаги истилолари».
3. Диагностик (ташҳисли) кесма саволлари.
4. Тахта, бур.

Дарс босқичлари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Ўқувчилар фаолиятининг мазмуни
Кириш. Ўқув вазифасининг белгиланиши.	Мавзу эълон қилинади. Гиперматндан эпиграф-ривоят ўқилади. -Ушбу ривоят дарс мавзуси билан қайси томони билан боғланган? Тахтага дарснинг вазифаси ёзилади (слайд кўринишида кўрсатиш мумкин).	Интеллектуал тренинг. Ўқувчилар дарс жараёнида жавобини топиш лозим бўлган саволларни тузадилар.
Матнни ўқиш.	Матн ўқилади.	Ўқитувчи монологини тинглашади, ўз қўлларидаги материал билан солишт иришади. Ўз қўлларидаги варақ еки дафтарга ёзув киритишади.
Матнни тушунганлик бўйича саволлар. Луғат (гlossарий билан ишлаш).	-Матнда гап нима ҳақида боради? - Матнда қайси янги сўзларни учратдингиз?	Фронтал суҳбат. Янги сўзларни махсус дафтарга ёзиб олишади. “Яничарлар, жон солиғи, гайдуқлар” атамаларини тушунтиришади
Матн режасини тузиш	- Матнда нечта қисмни ажратиш мумкин?	Микрогуруҳда ишлаш. Ҳар бир микрогуруҳ ўз режасини тузади. Сўнг фикр билан алмашилиб, умумий режа тузилади.
Матн устида ишлаш.	Режани тахтага ёзади (слайд кўринишида кўрсатиш мумкин): 1. Болқон ярим оролидаги мамлакатларнинг 13 асрдаги аҳволи 2. Усманий турклар истилолари 3. Усманийлар империясининг ташкил топиши 4. Турк қўшини	Режани дафтарга кўчиришади

	5. Бўйсундирилган халқларнинг аҳволи 6. Усманийлар империясини ҳалокати ва сабаблари	
Гиперматн билан ишлаш	- Гиперматн охирида берилган саволларга жавоб беринг.	Саволлар бўйича суҳбат. Ўқувчилар саволларга жавоб излайдилар. Кўп мартали такрорлаш матнни эслаб қолиш имконини беради.
Матн бўйича ва матнга оид саволлар устида ишлаш.	Микрогуруҳларга топшириқлар: - Текст бўйича (матнда тўғридан-тўғри жавоби бўлмаган) саволлар тузинг. - Матнга оид (матнда жавоби мавжуд бўлган) саволлар тузинг.	Гуруҳлар Матн бўйича ва матнга оид саволлар билан алмашадилар.
Саволлар ва фикрлар алмашинуви.	Усманий турларнинг ҳарбий муваффақиятларининг сабабларини очиб беринг	Эвристик суҳбат. Ўқувчилар турклар ҳарбий муваффақиятлари сабабларини очиб бериб, босиб олинган мамлакатларнинг заифлигини ҳамда турклар қўшинининг кучли бўлганлигига эътибор беришади.
Якуний мунозара	Усманий турклар империяси ҳалокатининг сабаби нимада?	Қуйидаги сабабларини кўрсатишлари мумкин: - Бўйсундирилган халқларнинг кураши - Феодалларнинг ерга хусусий мулкчилининг мустаҳкамланиши - Империя қурол кучи билан

		тузилган бўлиб, мустаҳкам бўлмаган
Назорат ва тузатиш босқичи.		Индивидуал иш (5-6 дақиқа)
Баҳолаш	Оғзаки жавобларни баҳолайди.	Ўз-ўзини баҳолаш.

Гиперматн

Усмонийлар империяси 14-16 асрларда

Ривоятга кўра:

*«13 асрда Кичик Осиёга усмоний турклар қабилалари
жами 400та кибитка бўлиб Ўрта Осиёдан кўчиб келишган.*

*Асрлар ўтди. Усмоннинг авлодлари Константинополни
босиб олишди. Учта қитъадаги ўнлаб мамлакатларни
ўзларига бўйсундириб, христианлик Европасига
тўғридан-тўғри таҳдид сола бошладилар.»*

1) 13 асрда Болқон ярим ороли ҳудудида учта йирик давлат мавжуд бўлган.

Болгария	Сербия	Византия
12 асрдаёқ Византия зулми остидан озод бўлди. 14 аср ўрталарида учта мустақил давлатга парчаланиб кетди.	14 асрда бир-бири билан душманларча курашаётган феодал мулкларга парчаланиб кетди.	4-чи Салиб юришидан кейин заифлашиб қолди.

14 асрда Болқон ярим оролидаги давлатлар ўзаро низолар ва ўзаро урушлар натижасида заифлашиб қолган эдилар.

2) 13 аср охирларида Кичик Осиёнинг шимоли-ғарбида Усмон бошчилигида жанговар давлат ташкил топди. Унинг ҳукмронлиги остида бирлашган қабилалар **усмоний турклар** деб атала бошладилар.

Болқон ярим оролидаги мамлакатлар заифлашганига ишонч ҳосил қилиб, усмоний турклар босқинлардан истилолаларга ўтишди. **1389 йилда** усмонийларнинг катта қўшини Сербияга бостириб кирди. Ҳал қилувчи жанг Косово майдонида содир бўлди. Серблар қўшини тор-мор қилинди. Кўпчилик серб феодаллари, ўз мулкларини сақлаб қолиш илинжида, султон Усмон хизматига ўтишди. Усмонийлар ҳокимияти остига Болгария тушиб қолди, **1453 йилда** эса, 53-кун давом этган қамалдан сўнг Византиянинг пойтахти Константинополь шаҳри қулади. Византия империяси ҳалок бўлди ва тарих саҳнасидан чиқиб кетди. Султон шаҳарни ўз қўшинларига 3 кун давомида талон-тарожликка берди, шаҳардаги 60 минг кишилик аҳоли қулликка сотилди. Константинополь шаҳри Истанбул (Истамбул, Стамбул) деб атала бошланди.

15 аср ўрталарида усмоний турклар Болқон ярим оролида ўз ҳукмронликларини ўрнатишди.

3) Турклар Месопотамияни, Арманистонни, Сурияни, Фаластинни, Арабистонни, Мисрни босиб олишди. Энг қудратли султон Сулаймон 1 даврида турклар Марказий Европа ичкарасига кириб боришди. Турклар Европани осие билан боғлайдиган савдо йўлларини ўз назоратлари остига олишди. Бу эса Италия шаҳарларининг савдо-сотиғига қатъий зарба етказди.

Истилолар натижасида туркларнинг улкан давлати – Усмонийлар империяси ташкил топди.

4)	Турклар қўшини
Кўпсонли сипоҳийлар (отлиқлар). Улар хизмати учун ер олар эди.	Пиёда қўшинлар (яничарлар) жасурлиги билан ажралиб турарди. Улар туҳфалар олиб, султонга садоқатли бўлишган.

Деярли узлуксиз урушлар шароитларида туркларда профессионал қўшин шаклланди.

5) Бўйсундирилган халқларнинг аҳволи жуда оғир эди: барча мусулмон бўлмаганлар ҳар бир эркакдан **жон солиғи** тўлашарди, қалъалар ва йўллар

курилишида бепул ишлашарди. Хатто кичик айб учун уларни жазолашарди, ўлдиришарди, кулликка сотишарди. Камситувчи тақиқлар ҳам мавжуд бўлган: уларга отда юриш, совуқ қурол кўтариб юриш тақиқланган.

6) Усманийлар империяси фақат қурол кучи билан босиб олинган мамлакатлар аҳолисини ўзларига бўйсундирди. Бўйсундирилган халқлар ўз мустақилликлари учун курашарди. Болгар ва серб партизанлари (гайдуқлар) мусулмон қишлоқларини ёндиришар, талон-тарож қилишар, турк мансабдорларини ўлдиришар эдилар. Ўз курашлари натижасида улар Усманийлар империясини заифлаштирдилар ва унинг Европага таҳдидини камайтирдилар. 16 аср охиридан усманий туркларнинг истилолари барҳам топди. Хазина даромадлари камайди. Аскарлар хизмати учун олинган ерларни ўз мулкларига айлантира бошладилар. Кўпчилик ҳарбий юришларда иштирок этишдан бош тортарди.

Усманийлар империясининг инқироzi бошланди.

Матнга оид саволлар

1. Турклар босқини олдидан Болқон ярим оролидаги мамлакатларни тавсифлаб беринг.

2. Усманийлар империясига кирган мамлакатларни санаб беринг ва харитада кўрсатинг.

3. Усманий турклар қўшини қандай тузилган эди? Турк қўшинининг кучи сизнингча нимадан иборат?

Матн бўйича саволлар.

1. Нима учун турклар Болқон ярим оролидаги славян давлатларини истило эта олишди?

2. Турклар ва бўйсундирилган халқлар ўртасида қандай муносабатлар ўрнатилди?

3. Усманийлар империяси инқирозининг сабабларини очиб беринг.

Билимларни назорат қилиш

1 вариант	2 вариант
Биринчи топшириқ. 1. Ўзаро низо ва урушлар Болқон халқларини заифлаштирди. ҲА ЙЎҚ 2. Усмонийларнинг душманлари ўзаро урушлар натijasида заифлашиб қолган эдилар. ҲА ЙЎҚ 3. Бўйсундирилган мамлакатлардаги халқлар усмоний туркларни ўз феодаллари зулмидан озод қилувчилар деб билганлар ҲА ЙЎҚ Иккинчи топшириқ Нима учун усмоний турклар улкан империяни туза олдилар?	Биринчи топшириқ 1.4-чи Салиб юришидан сўнг Византия олдинги қудратини тиклай олмади. ҲА ЙЎҚ 2. Усмонли турклар қўшини камсонли, ёмон қуролланган эди. ҲА ЙЎҚ 3. Империянинг куч-қудратини урушлар ва талон-тарошликлар ташқил этган. ҲА ЙЎҚ Иккинчи топшириқ Усмонийлар империясининг ҳалокатга юз тутиши сабабларини очиқ беринг.

Учинчи топшириқ

Меҳмед (Муҳаммад) 2 айтдики: «Европада биттагина христиан қолгунча, қуролимни ташламайман». Муҳаммад 2 ни саводсиз одам ва варвар деб ҳисоблаш учун ушбу маълумотнинг ўзи етарлими? Нима учун?

УСМОНИЙ ТУРК СУЛТОНЛАРИ



Усмон 1 Ғозий (Осман 1 Гази)



Орхан (Ўрхон)



Сулаймон



Мехмед (Мухаммад)2



Боязид 1



Боязид 2



Фатих 2



Мехмед(Мухаммад) 1



Мурод 1



Мустафа 3



Усмон 2



Селим 1



Султон Мустафо 1



